БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 5 (18.781). • Жума, 1984 йил 6 январь • Баҳоси 3 тийин.

● ЎН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИЛИ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

● ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРНИНГ МЕҲНАТ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ КЎПАЙМОҚДА

● ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАРБДОРИ ЯНГИДАН-ЯНГИ МАРРАЛАРНИ ЭГАЛЛАШ ЙЎЛИДА ЖОНБОЗЛИК КЎРСАТМОҚДА.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТГА!

ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИНИ ТЎЛА ВА ОШИРИБ БАЖАРАЙЛИК!

ЖИПСЛИГИМИЗ КЎРИГИ

СССР Олий Советига сайловлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз берадиган барча воқеалар ичида алоҳида аҳамиятли туради. Сайловлар социалистик демократияни янада ривожлантириш, мамлакат олий ҳокимияти ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ишини янада такомиллаштириш борасида бениҳоя катта аҳамиятга эга бўлиб, ҳар гал сайлов кампанияси Советлар ва бутун давлат органлари фаолиятининг жиддий кўригига айланади.

Олий ҳокимият органига ўн биринчи марта ўтказиладиган бу галги сайлов партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини бажариш учун кураш айни қизиган масъулиятли бир даврга тўғри келди. Сайловга тайёргарлик жараёни, шубҳасиз, бу курашга янада кўпроқ кишилар келиб қўшилиши учун, уларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини, оммаининг ижодий ташаббускорлигини қулф урдириш учун, барча бўғиндаги Советлар обрў-эътиборини ошириш учун, интизом ва тартиботнинг мустаҳкамланиши учун, давлат ва хўжалик органлари фаолиятининг янада такомиллашуви учун, гражданларнинг давлат ва жамият ишларини бошқарувга кенгроқ жалб этилиши учун беқиёс уфқлар очиб беради. Муҳими, партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил 4 мартда СССР Олий Советига навбатдаги сайлов ўтказилиши муносабати билан қабул қилган қарорида таъкидлаганидек, бутун сайловолди ишларини совет жамиятини иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий жиҳатдан ривожлантиришнинг партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларидан, ўртоқ Ю. В. Андропов-нинг кўрсатмаларидан келиб чиқадиган конкрет вазифалари билан маҳкам боғлаб олиб боришлари керак.

Сайловларга тайёргарлик жараёни муҳим босқичга кирди — меҳнаткашларнинг мамлакат олий ҳокимиятига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтмоқда, меҳнатсеварлиги ва ишчанлиги билан эл оғзига тушган, сиёсий жиҳатдан етук ва одамлар билан ишлай биладиган обрў-эътиборли кишилар депутатликка номзодликка кўрсатилмоқда. Эндиликда сайловолди оммавий-сиёсий агитация ва тарғибот ишларининг кўламлари ҳам кенгайиб, янгича мазмун ва мундарижа касб этмоқда. Жойларда бу ишга коммунистлар билан бир қаторда сайлов комиссиялари ва агитколлективларнинг фаол ишлашини таъминлай оладиган, партиямизнинг ички ва ташқи сиёсатини тушунтириб бериш, сайловчилар билан, айниқса уларнинг турар жойларида индивидуал иш олиб бориш ўқуви бўлган партиясизларнинг, ишлаб чиқариш илғорлари ва ветераннларнинг ҳам кенг иштирок этишига эришилмоқда. Кўпчилик партия ташкилотлари омма орасида тарғибот ва ташвиқот, оммавий-маданий ва тарбиявий иш олиб боришга раҳбар кадрларини, ижодий союзларини, кўнгилли жамиятларини, жамоат ташкилотларини тобора кенгроқ жалб этмоқдалар. Бу ишда маданият уйлари, клублар, кинотеатрлар, кутубхоналар ва бошқа маданий-оқартув ҳамда спорт муассасалари ҳам фаол қатнашиб келишяпти.

... Тошкентдаги 110-ўрта мактаб қошидаги сайловчилар клуби байрамлардагидек безатилган. Сайловчилар ўртасида иш олиб борадиган агитаторлар состави яна бир бор аниқланган, кўргазмали агитация воситалари яхшиланган. Клуб активининг йиғилишида мамлакат олий ҳокимиятига сайловлар ўтказиш даврида бажариладиган ишлар плани тузиб олинди. Унда асосий эътибор сайловчилар орасида оммавий агитация ва индивидуал тарзда тушунтириш ишлари олиб боришга қаратилгандир. Клубда ҳамиша газета ва журналларнинг янги сонлари, кутубхонада эса янги китоблар билан танишиш мумкин. Бу ерда «Сайловчиларнинг наказлари ва истаклари китоби» таъсис этилган бўлиб, унга участкадаги сайловчилар томонидан билдирилган барча талаб ва таклифлар қайд этилиб ва умумлаштириб борилади, сўнгра эса сайловолди йиғилишлари муҳокамасига қўйилади.

Зотан, жойларда сайловолди ташкилий-сиёсий ишларининг бу хилда ташкил этилиши меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларига сезгирлик билан муносабатда бўлишининг ёрқин ифодаси ўлароқ, жойларда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қўйидан бўладиган таклифларни ўз вақтида қараб чиқиш ҳамда улар юзасидан кўрилган чоралар хусусида ахборот бериб туриш учун масъулиятини янада кучайтиришга хизмат қилади. Афсуски, ҳамма ерда ҳам агитация ва пропаганданинг ранг-баранг форма ва методлари тўла ишга солинаяпти, деб бўлмайди. Жойлардан қозирдайқ кўпгина партия, совет, хўжалик органлари сайловчилар клубларини, агитколлективларни фақат хўжакўрсинга ва расмиятчилик учунгина ташкил этиб қўйишганн ҳақида сигналлар келаётгани сир эмас.

Шуларни ҳисобга олиб, область, шаҳар ва район партия комитетлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари сайловларга тайёргарлик жараёнида оммавий-сиёсий агитация ишлари қандай олиб борилаётганини кузатиб туришлари, бу иш меҳнат аҳлига мамлакатимизда коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли бажариш учун курашда янада зўр ғайрат-шижоат бахш этиши тўғрисида қайғуришлари керак.

Айни чоғда сайловолди тадбирлари совет кишиларига хизмат кўрсатиш, уларнинг маданий ва социал-маиший эҳтиёжларини қондиришга даҳлдор корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ишини яхшилаш билан узвий боғлаб олиб борилиши керак. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари сайловолди тадбирларини амалга оширишда меҳнаткашларнинг кенг, фаол, манфаатдорлик билан иштирок этишларига эришиш учун ташкилий ва сиёсий ишларнинг барча воситаларидан фойдаланишлари, сайловолди йиғилишлари ва оммавий-сиёсий тадбирларнинг амалий, конструктив характерда ўтишини таъминлашлари, социал-маданий ва хўжалик вазифаларининг бажарилиш якунлари танқидий тарзда таҳлил қилиниб, камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан конкрет чоралар белгилашишга эришишлари лозим.

Матбуот саҳифаларида, телевидение ва радио орқали сайлов кампаниясини ҳар томонлама ёритиб бориш, совет халқи матнидай жипслигининг, коммунистлар ва партиясизлар блокн ажралмас бирлигининг ҳаётбахш самаралари ҳақида сермазмун ҳикоя қилиш учун журналистикаининг ранг-баранг жанрларидан моҳирона фойдаланиш керак. Партия ташкилотлари сайловларга тайёргарлик юзасидан ташкилий-сиёсий ишлар олиб боришда қўлга киритаётган энг яхши тажриба кенг оммалаштирилиши, Советлар ва уларнинг органлари хўжалик ва сиёсий вазифаларни бажаришда эришаётган ютуқлар кенг ёритилиши шарт. Коммунистик партиянинг совет давлатчилигини янада такомиллаштиришга, социалистик демократияни ривожлантириш, меҳнат аҳлининг давлатни ва жамоат ишларини бошқаришдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган йўлини кенг пропаганда қилиш бугунги кунда журналистикаининг энг долзарб мавзусидир. Область, шаҳар ва район партия комитетлари совет жамияти жипслигининг жиддий кўригн бўлган сайловолди кампаниясининг ҳамма жойда зўр ғайрат-шижоат билан ўтказилиши учун барча ташкилий, оммавий-сиёсий воситалардан фойдаланишлари керак.

Замондошларимиз

ҚУЮВЧИЛИК ШАРАФИ

— Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ зарбдорларча меҳнат қиляпмиз, — дейди моҳир қуювчи, ишлаб чиқариш илғори Пётр Яковлевич Вильмс.

Дарҳақиқат, январнинг биринчи иш кунидан бошлаб В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводининг «Ҳурмат Белгиси» ордени нишондори, коммунист П. Я. Вильмс бошлиқ бригаданинг чапдаст қуювчилари смена топшириғини ошириб бажариб, пландагидан анча кўп юқори сифатли пўлат эритишга муваффақ бўлдилар.

Илғор коллектив ўтган йили ҳам чинакам фидокорлик кўрсатиб меҳнат қилди. Натижада корхонадаги барча коллективлар орасида энг юксак меҳнат унумдорлигига эришилди. Бригадага уюшган азаматлар планда белгиланганидан ташқари 760 тоннадан кўпроқ пўлат эритдилар. Бу чинакам катта ғалаба эди.

Қуювчилар бу меҳнат муваффақиятига пўлат қуйиш цехининг участкаларида ҳар жиҳатдан такомиллашган техника ускуналарини қўлланиш натижасида эришдилар. Чунончи, қўшимча газ горелкаларини ўрнатиш туфайли қуйиш жараёнлари тезлашди, электр энергияси сарфи камайди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йил давомида олти миллион киловаттгача электр қуввати тежаб қолинди.

Шу кунларда Пётр Яковлевич бошлиқ бригада хизмат қилаётган участкада яна бир янгилик синаб кўрилмоқда. Бу тайёрланаётган маҳсулотнинг янада сифатли бўлишига, қуйиш жараёнининг тезлашишига катта йўл очади. Тез кунлар ичида бу тажриба бошқа участкаларда ҳам кенг жорий этила бошлайди.

Корхонада моҳир қуювчи, бригада сардори Пётр Яковлевич Вильмснинг издошлари жуда кўплаб топиладн. Чунончи, Н. Семёнов, Ш. Абдуллаев, А. Қосимов, А. Орлов, С. Говоров, М. Норматов ва бошқалар қуювчилик шарафини улуғлаб, она-Ватанга кўплаб юқори сифатли пўлат етказиб беришдек ватанпарварлик ҳаракатида олдинги safda бормоқдалар. Суратда: бригада бошлиғи Пётр Яковлевич Вильмс.

В. Казанцев фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЮКСАК ИШОНЧ

СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлар юксак сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати жўш урган вазиятда давом этмоқда. Совет кишилари ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, зиёлиларнинг энг муносиб вакилларини номзод қилиб кўрсатмоқдалар.

Одесса область Измаил районидаги «Прогресс» колхозида бўлиб ўтган йиғилиш қатнашчилари шу колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Николай Георгиевич Миндруни** Измаил сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Чернигов область Куликовка районидаги «20 летие Октября» колхозининг меҳнатчилари Украина ССР Олий Совети Президиуми ҳузуридаги Улуғ Ватан урушн собиқ партизанлари ишлари комиссиясининг раиси, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони **Алексей Фёдорович Фёдоровни** Нежин сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

Гродно областидаги «Слонимский» совхозининг коллективи шу хўжаликнинг илғор чўчқабоқари **Мария Владимировна Зашчукни** «Слоним» сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Жамбул суперфосфат заводида бўлиб ўтган йиғилишда корхона коллективи аппаратчи **Валентина Ивановна Чернявскаяни** Жамбул сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилди.

«Задарьинский» давлат наслчилик заводининг ишчилари, мутахассислари, қишлоқ зиёлилари завод директори **Бўронбек Шукурбекович** Туркистон сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

Грузияда Кобулети район Хуцубани қишлоғидаги колхоз коллективи хўжаликнинг илғор чойкори, комсомол **Цнури Нодариевна Моцкобилини** Чаква сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Озарбайжон темир йўли Балажари станцияси локомотив депоси коллективининг йиғилиши машинист **Одил Нури ўғли Гусейнов**ни Боку-Киров сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Тоғли Қорабоғдаги партия XXII съезди номли илғор Мардакерт узумчилик совхози меҳнатчиларининг йиғилишида совхоз директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Самвел Ваниевич Мамунцни** Мардакерт сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Каунасдаги «Дробе» жун тўқиш ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи йиғилишининг қатнашчилари тўқувчи **Валерия Мечиславовна Аксамитаускенени** Каунас сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Литва ССР Пасвалис районидаги «Павасарис» колхозининг меҳнатчилари сут соғувчи **Алдона-Котрина Симовна Науюконенени** Биржай сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Молдавия ССР Дубоссари районидаги «Нистру» колхози аъзоларининг йиғилишида тамакичилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони партиясиз **Илья Михайлович Булат** Дубоссари сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Латвия ССР, Тукумс районидаги Яунпилс чорвачилик тажриба станциясининг коллективи машинада сут соғиш устаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Станислав Язепович Ливманисни** Тукумс сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

А. Я. Пельше номидаги Рига политехника институтида йиғилиш бўлиб ўтди. Институт профессор, ўқитувчилар состави ва студентлари Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Август Эдуардович Воссни** Киров сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Ереванданги «Электроприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи асбобсоз слесарлар бригадири **Эльмир Татулович Арутюнянни** Ереван-Ахтанак сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Тарту приборсозлик заводининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари корхонанинг автоматчи-токари **Павел Панфилович Горюновни** Тарту-Совет сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

(Давоми иккинчи бетда).

1984 йил 4 март СССР Олий Советига САЙЛОВ

ҲИЗМАТИГА ЯРАША РАҒБАТЛАНТИРИЛСИН

Бирлашмамиз меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети Пленумининг материалларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқининг текстини гоят қизиқиб ўрганмоқдалар.

Ўтган йиллар мобайнида корхонамизнинг партия ташкилоти оммаининг ижодий ташаббусини ривожлантириш, аҳоли кўплаб талаб қилаётган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш соҳасида муайян тажриба орттирди. Иш зонасини кенгайтириш учун бошланган социалистик мусобақа кенг қулоч ёзди. Мен ишлаб турган цехдаги тўқувчиларнинг 80 процентн белгиланганидан ортиқ зичликдагн иш жойида меҳнат қилмоқда, нормадагн иккита ўрнига учбештагача тўқув машинасида ишламоқда. Бошқа цехларда ҳам кўп станокчилар сони ортмоқда. Шу туфайли биз ишловчилар сонини кўпайтирмай туриб ишлаб чиқариш планини бемалол бажаряпмиз.

Бироқ, биз маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ижобий натижаларга эришган бўлсак ҳам, буюмларнинг сифатини яхшилаш, турларини кўпайтириш ишида республика меҳнатчилари олдида қарздор бўлиб қоляпмиз.

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқи бизни мана шу камчиликларни тезроқ тугатишга ундайди. Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини такомиллаштириш учун кўп иш қилиниши керак. Моддий рағбатлантириш системасини шундай йўлга қўйиш зарурки, топшириқларни бажарганлик учун бериладиган мукофотларни фақат аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарётган ходимларгина оладиган бўлсин.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВА,
Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг тўқувчиси.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ВАЗИЯТИДА

4 январь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан ГБСП Марказий Комитетининг аъзоси, ГДР ташқи ишлар министри О. Фишер ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Ўртоқлик ва сидқидиллик вазиятида бўлиб ўтган музокаралар чоғида СССР билан ГДР ўртасидаги қардошларча муносабатларни янада ривожлантириш юзасидан фикрлашиб олинди, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи бир актуал халқаро масалалар, айниқса Европада хавфсизликка алоқадор масалалар муҳокама қилинди.

Шу куни А. А. Громико О. Фишер шарафига нонушта зиёфат берди, зиёфат вақтида нутқлар сўзланди. Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди.

* * *

Кечқурун О. Фишер ватанига жўнаб кетди.

Аэродромда уни А. А. Громико, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЖЎНАБ КЕТДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Г. В. Романов бошчилигидаги КПСС делегацияси Германия Коммунистик партияси раҳбарлигининг таклифига биноан, ГКП VII съезди ишида қатнашиш учун 5 январда Москвадан Нюрнбергга жўнаб кетди.

Делегацияни аэродромда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитети раиси М. С. Соломенцев, бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

* * *

Шу куниёқ делегация Нюрнбергга келди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси Марказий Комитетнинг XIII пленуми ва ўнинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг IX сессияси муҳокамасига киритиладиган материалларни ўзининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқиб, асосан маъқуллади. Бу материаллар Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1984 йилги Давлат плани ва Ўзбекистон ССРнинг 1984 йилги Давлат бюджети лойиҳаларидан иборат.

Ўзбекистон ССР Мева-сабзавот хўжалиги министрлигининг мева-сабзавот маҳсулотлари, узум ва картошка етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш, асраш ва реализация қилишни ташкил этишни такомиллаштириш соҳасидаги иши муҳокама қилинди. Баъзи бир ижобий силжишларга қарамай республика аҳолисини янги мева ва сабзавот билан таъминлаш ишида катта камчиликлар борлиги қайд этилди. Бу гап мева-сабзавот маҳсулоти билан савдо қилишга ҳам тааллуқлидир. Министрликка кўрсатилган камчиликларни тугатиш, тармоққа раҳбарлик даражасини ошириш, уни интенсивлашга оид тадбирларни бажариш топширилди.

Халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқариш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатиш системасини ривожлантиришнинг 1986—2000 йилларга мўлжалланган комплекс программасини ишлаб чиқиш тартиби кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Госпланига, республика министрликлари ва идораларига конкрет топшириқлар берилди.

Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари лойиҳаси кўриб чиқилиб, асосан маъқулланди. Лойиҳада саноатни, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг юксак суръатлари кўзда тутилган.

Бюро Ўзбекистон Компартияси бошланғич, район ва шаҳар ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов якунларини ҳамда ҳисобот-сайлов партия йиғилишларида республика ташкилотлари шаънига айтилган танқидий мулоҳазалар, илтимослар ва таклифларни муҳокама қилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва партия конференциялари яхши савияда, коммунистларнинг юксак активлиги билан ўтганлиги қайд этилди. Партия комитетларига ҳисобот даврида орттирилган ижобий иш тажрибасини мустаҳкамлаш, ҳисобот ва сайлов чоғида очиб ташланган камчиликларни қатъият билан тугатиш, бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш услуби ва методларини сабот билан такомиллаштириш топширилди. Область партия комитетларига, республика министрликлари ва идораларига коммунистларнинг ҳисобот-сайлов йиғилишларида айтган танқидий мулоҳазалари ва таклифларини рўёбга чиқариш учун тегишли тадбирларни кўриш таклиф этилди.

Сурхондарё областидаги ирригация ва мелиорация системаларидан фойдаланиш ҳолати ҳамда сувдан ва суғориладиган ерлардан янада самарали фойдаланиш йўллари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, турларини хилма-хил қилиш ва сифатини яхшилаш учун ўтказиладиган республика социалистик мусобақаси тўғрисидаги таклифлари маъқулланди. Қабул этилган қарор матбуотда эълон қилинади.

КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари» лойиҳасини муҳокама қилишга оид ташкилий-пропаганда тадбирлари кўриб чиқилди.

Бюро партия ва хўжалик қурилишининг бошқа баъзи масалаларини ҳам муҳокама қилиб, улар юзасидан зарур қарорлар қабул этди.

МУСОБАҚА ИЛҒОРЛАРИГА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети тола ишлаб чиқариш ва пахтани сифатли қайта ишлаш юзасидан пахта заводлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1983 йил декабрь ойи учинчи ўн кунлигидаги якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи **А. Икромов номли пахта заводида** (1-ўрин) қолдирилди. Бу завод тола ишлаб чиқариш планини 109,5 процент бажарган, тола ажратиб олиш планини 1,2 процент ошириб адо этган, 53 тонна пахтани тежаб қолган, ишлаб чиқариш чиқитига ва пахтанинг пастроқ навли толага ўтишига йўл қўймаган ҳамда пландан ташқари 25 минг сўм фойда олган.

Кўчма Қизил байроқ **Бахт пахта заводига** (2-ўрин) берилди. Бу завод тола ишлаб чиқариш планини 115 процент бажарган, тола ажратиб олиш планини адо этган, нормадан ташқари чиқитга ва пахтанинг пастроқ навли толага ўтишига йўл қўймаган. Байроқ Бўз пахта заводидан олиб берилди.

Киров, Қўшкўпир, Ульянов, Бешкент, Янгибозор пахта заводларининг яхши ишлаганлиги қайд этилди.

1984 йил 4 март СССР олий советига САЙЛОВ

ЮКСАК ИШОНЧ

(Боши биринчи бетда).

«Ставропольнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси бурғилаш ишлари Будённий бошқармасининг ер ости бойликлари проходкачилари бурғиловчи **Геннадий Николаевич Добринини**н Будённий сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Вологда шаҳридаги 23-давлат подшипник заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишида корхонанинг созловчи бригадири **Александр Васильевич Коновалов** Вологда сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Куйбишевдаги «Завод имени Масленникова» ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи бирлашманинг бош директори **Александр Васильевич Курбатов**ни Совет сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига ўз номзоди қилиб кўрсатдилар.

Яхудийлар автоном областидаги энг йирик хўжалик — «Пузиновский» совхозида бўлиб ўтган йиғилиш совхоз трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи **Анатолий Васильевич Линник**ни Ленин сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Коряклар автоном округидаги «Тигильский» совхозининг ишчилари буғучилик звеносининг бошлиғи **Анатолий Айевич Акеев**ни Коряклар сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Чукотканинг биринчи революцион комитети номли буғучилик совхозининг меҳнатчилари халқ депутатлари Чукотка округ Совети ижроия комитетининг раиси **Надежда Павловна Отке**ни Чукотка сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

Магнитка металлургларининг В. И. Ленин номидаги металлургия комбинатининг директори **Леонид Владимирович Радюкевич**ни Магнитагорск сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

* * *

Қалмоқ АССР, Каспий районидаги Х. М. Жаликов номли совхоз коллективи йиғилишининг қатнашчилари бош чўпон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Адьян Тюрбеевич Ходжгуров**ни Каспий сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

Сиктивкардаги нотўқима материаллар фабрикасининг меҳнатчилари корхонанинг елимлаш цехи звено бошлиғи **Сергей Иванович Рукавишников**ни Сиктивкар сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

Чувашия АССР, Комсомол районидаги «Красний Октябрь» колхозида бўлиб ўтган йиғилишда хўжалик меҳнатчилари колхоз раиси **Василий Афанасьевич Арсеньев**ни Батирево сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига ўз номзоди қилиб кўрсатдилар.

Молдавия ССРдаги «Бознени» совхоз-заводининг коллективи ўз йиғилишида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Иван Иванович Бодюл**ни Котовский сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Қирғизистон ССРдаги Тўқмоқ нон заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари шу корхонанинг новвой-устаси комсомол аъзоси **Наталья Владимировна Семашко**ни Тўқмоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатдилар.

«Қизилқия» шахта бошқармасига қарашли Ленин комсомоли номли шахта кончилари шахта тозалаш забойи кон ишчилари звено бошлиғи **Абдуғани Қоратоевич Абдуқодиров**ни Қирғизистон ССР Қизилқия сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

* * *

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Олег Константинович Антонов**ни Украина ССР Киев-Святошинск сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Литва ССР, Шилуте районидаги «КПСС XXV съезди» совхозининг деҳқонлари хўжалик директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Зигмантас Станиславович Докшас**ни Таураги сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Вильнюс механика заводи коллективининг йиғилишида йиғувчи-слесарь комсомол **Светлана Валерьяновна Хохланова** Литва ССР Вильнюс—Дзержинский сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Сорокидаги механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари тажриба заводининг меҳнатчилари шу корхонанинг ишчиси **Анна Павловна Кучер**ни Молдавия ССР Сороки сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига ўз номзоди қилиб кўрсатдилар.

Молдавия ССРдаги «Бознени» совхоз-заводининг коллективи ўз йиғилишида СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари **Иван Иванович Бодюл**ни Котовский сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Қирғизистон ССРдаги Тўқмоқ нон заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари шу корхонанинг новвой-устаси комсомол аъзоси **Наталья Владимировна Семашко**ни Тўқмоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

Чоржўй авиация корхонаси коллективи йиғилишининг қатнашчилари ишлаб чиқариш пешқадами, АН-2 самолётининг командири **Норқули Саидов**ни Туркманистон ССР Чоржўй сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишга қарор қилдилар.

(ТАСС).

* * *

УРГАНЧ, 4 январь. (ЎзТАГ). КПСС XXV съезди номли Урганч пиллакашлик фабрикасининг меҳнатчилари СССР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишга байрамона кайфият билан келдилар.

Комплекс бригада бошлиғи А. Худойбергановга сўз берилади. — СССР Олий Советига сайловга тайёргарлик, — деди у, — КПСС Марказий Комитети 1983 йил декабрь Пленумининг қарорлари туфайли меҳнат ғайрати ялпи кучайган бир вазиятда ўтмоқда. Пленумнинг, СССР Олий Совети сессиясининг ҳужжатлари бундан буёнги бутун фаолиятимизнинг конкрет йўналишларини белгилаб берди.

Халқ ўзининг энг яхши вакилларини ҳокимиятнинг олий органига номзод қилиб кўрсатмоқда. Мен илғор пиллакаш, комсомол Г. Р. Раҳмоновани СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисида фабрика ходимлари номидан таклиф киритаман. Бутун коллектив уни сергайрат ишчи, фаол жамоатчи сифатида яхши билади. У машиналарни ишлатиш зонасини олдингилардан бири бўлиб, бир ярим баравар кўпайтирди ва шахсий беш йиллик топшириғини бажарди.

Фабрика комсомол ташкилотининг секретари Г. Қутлимуротова, пилла буғловчи Ш. Алимов, фабрика директори Б. Д. Ёқубов ва сўзга чиққан бошқа кишилар кўрсатилган номзодни қувватладилар.

Йиғилиш **Гулжон Рўзметовна Раҳмонова**ни 613-Урганч сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

* * *

Ангрен шаҳарсозлик бошқармасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари СССР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилишни юксак активлик ва ишчанлик руҳида ўтказдилар.

Монтажчилар бригадири Ш. Гараев шаҳарсозлик бошқармасининг сувоқчиси Х. А. Норматовани СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатди.

Қурилиш участкасининг мастери В. Стариков, бригадир Г. Нацкина, участка бошлиғи Ш. Рисликов ва йиғилишнинг бошқа қатнашчилари бу таклифни қувватладилар. Сўзга чиққан нотиқлар Н. Норматова ишлаб чиқариш пешқадами, тажрибали мураббия сифатидагина эмас, шу билан бирга фаол жамоатчи сифатида ҳам ҳамманинг ҳурматэҳтиромига сазовор бўлганлигини уқтирдилар.

Йиғилиш қатнашчилари **Ҳайринисо Абдунабиевна Норматова**ни 604-Ангрен сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига якдиллик билан номзод этиб кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).

* * *

ЧУСТ (Наманган области), 5 январь (ЎзТАГ). Гагарин номидаги боғдорчилик совхози меҳнатчиларидан юзлаб киши сайловолди йиғилишида қатнашмоқ учун бугун бу ерга келди.

Звено бошлиғи И. Каримов совхознинг илғор ишчиси М. А. Достоновани СССР Олий Совети депутатлигига номзод этиб кўрсатишни таклиф қилди. М. А. Достонова меҳнат қилиш учун совхозга биринчилар қаторида келган эди. У ҳар қандай участкада ўз бурчини ҳалол ва фидокорона бажармоқда.

Совхоз бош агрономи А. Маъруфалиев, ишчи У. Турғунова, партия ва меҳнат ветерани А. Муталиев ва бошқа нотиқлар бу таклифни қизғин қўллаб-қувватладилар.

Йиғилиш **Малика Аҳмадалиевна Достонова**ни 591-Чуст сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга якдил қарор қилди.

Бухоро тўқимачилик комбинатининг кўплаб ишчилари янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ планга қўшимча маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлмоқдалар. Улар орасида ёш тўқимачи, комсомол аъзоси Сабоҳат Шарипова ҳам бор. Ёш ишчи ҳар сменада топшириқдан ташқари 20—30 процент аъло сифатли маҳсулот тайёрлашга эришяпти. Юқоридаги суратда: пешқадам ишчи С. Шарипова. Пастдаги суратда: комбинатнинг 2-тўқимачилик фабрикаси участкаларидан бири.

Л. Гусеинов фотолари.

САНОАТ НЕГИЗИГА

● Қашқадарё области хўжаликларининг фермаларида энг янги машина-ускуналар билан жиҳозланган 28 та ихтисослашган цех ишга тушди. Уларни Госкомсельхозтехника область бирлашмасининг мутахассислари монтаж қилдилар. Янги озуқа цехлари сигирларни витамин ва микроэлемент қўшилган ем-хашак билан таъминлаб туради.

Йил бошидан бери Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехникасининг бўлимлари республика хўжаликларида пландаги 155 ўрнига 217 та ем-хашак цехини ишга туширди.

(ЎзТАГ).

МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

ВИЖДОНАН ИШЛАЙМАН

✦ «Беш йиллик бошида Шаҳрихондаги 37-автомобиль корхонасининг ҳайдовчиси Абдувоҳид Зокиров «Виждонан ишлайман» деганди. Ҳозир эса шу ҳайдовчининг иш календарида 1986 йил пайдо бўлди.

Абдувоҳид автокорхонада ишлаган йиллари мобайнида 25 ҳайдовчини ишга ўргатди. Ўғли Абдулҳамид ҳам шулар қаторида. Мураббий меҳнат унумдорлигини оширишда ички резерваларни излашни, машиналар профилактик кўригини синчиклаб ўтказишни, уларни ишлатилиш муддатини узайтиришни асосий талаб қилиб қўймоқда. Шу нарса уларнинг ҳар куни топшириқни ошириб бажаришларига ёрдам бермоқда. Жўрабой Алиев, Абдуқодир Холиқов, Шокир Маматалиев графиклар ўзиб ишламоқдалар. Улар ўз мураббийларининг кўпгина «сирларини» билиб олишган.

ЭНЕРГЕТИКЛАР ЖАМҒАРМАСИ

✦ Фарғона ТЭЦида бир киловатт соат электр энергиясини ҳосил қилиш учун зарур ёқилғи сарфи йил бошидан бери нормага нисбатан граммнинг атиги ўндан бир неча улушича камайтирилди. Дастлабки қарашда оз бўлиб кўринган шу рақам замирида буғ маркази коллективи энергетиклар кунигача тежаган 1300 тоннадан кўп шартли ёқилғи бор. Бунча ёқилғи 6 миллион киловатт соат энергия ҳосил қилишга етади. ТЭЦ коллективи ёқилғини тежаш юзасидан зиммасига олган йиллик социалистик мажбуриятини икки баравардан зиёд ошириб бажарди.

(ЎзТАГ).

МАЖБУРИЯТЛАР ҚАНДАЙ БАЖАРИЛДИ?

ЙИЛ ҲИСОБ СЎРАЙДИ

«... Йиллик план муддатидан олдин — 25 декабрда, маҳсулот реализация қилиш йиллик плани — 28 декабрда бажарилади. Пландан ташқари 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади... Ишлаб чиқариш ҳажмининг 96 процентдан кўпроғига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади...»

Бу сатрларни биз Ўзбекистон ССР Винокорлик материаллари саноати министрлигига қарашли Ғазалкент сангтарошлик комбинати коллективининг ўтган йил бошида қабул қилган социалистик мажбуриятларидан олдик. Корхона ходимлари йиғилишида муҳокама этилиб, бир овоздан қабул қилинган бу мажбуриятлар газетамизнинг 1983 йил 30 январь сонида босилгани кўпчиликнинг ёдида бўлса керак.

Мана, «ғалвир сувдан кўтарилиб», йилга якун ясалди. Зиммасига юксак социалистик мажбурият олган коллектив ўз план-топшириқларини ва мажбуриятларини қандай бажарди? Бу саволга берилган жавобларни корхонанинг мармар плиталари тайёрлаш комплекс бригадаси бошлиғи коммунист Тилаб Акрамов сўзи билан бошлашни лозим топдик.

— Комбинатимиз коллективи КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини изчил амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдириб, барча техника-иқтисодий нўрсаткичлар юзасидан беш йилликнинг учинчи йили план ва социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарди. Чунончи, норматив соф маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми юзасидан йиллик планни муддатидан олдин — 22 декабрда адо этдик. Маҳсулот реализация қилиш йиллик плани ҳам барвақт бажарилди. Хўжалик фаолитини янада яхшилаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун кураш бошлаган сангтарошларимиз пландан ташқари 105 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар...

Бригадирнинг фахрланганича бор. 1982 йил плантопшириқларини муваффақиятли бажарганлиги учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг эсдалик Қизил байроғи билан мукофотланган комбинат коллективи бултурги меҳнат фаолиятида ҳам қувончли натижаларни қўлга киритди. Йил бошида қабул қилинган социалистик мажбуриятларда таъкидланганидек, планга қўшимча мармардан 500 квадрат метр пардозлаш плиталари ва 200 квадрат метр гранит плиталар, 250 тонна майдаланган ранг-баранг тош, 500 сўмлик маданий-маиший буюмлар тайёрланди. Ана шулар эвазига корхона бўйича пландан ташқари 50 минг сўм фойда олинди.

Бугунги кунда корхонада тайёрланаётган мармар ва гранит плиталарни Москва, Киев, Ереван, Омск, Пенза, Тошкент, Самарқанд, Термиз, Фарғона, Жиззах сингари шаҳарларнинг муҳташам бинолари учратиш мумкин. Тоштарошлар эришаётган ютуқларнинг муҳим омили корхонада иш сифати ва самарадорлигини оширишнинг резерв ва имкониятларини ахтариш ҳамда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, мавжуд техника воситаларининг унумдорлигини ошириш соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламдаги тадбирлардир. Булардан энг самаралиси — ягона наряд асосида ишлайдиган комплекс бригадаларнинг ташкил этилганлигидир. Ҳозир корхонада 7 та ана шундай бригада ишлаб турибди. Тошларни арралаш, пардозлаш ва сайқаллашдан тортиб, то тайёр маҳсулотлар омборига топширилгунча бўлган барча ишларни ҳар бир бригада аъзоларининг ўзлари бажаришмоқда. Уларга тўланаётган иш ҳақи ва мукофотлар ҳам тайёр маҳсулот ҳажми ва сифатига қараб тўланмоқда.

— Бригада методи асосида ишлаш, — дейди корхона ишлаб чиқариш новатори Я. Локай, — ҳар бир меҳнат коллективида янгиянги имкониятлардан фойдаланишга кенг йўл очиб бермоқда. Энг муҳими — коллективда: «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!» — деган социалистик принцип қарор топяпти. Натижада на фақат бригадаларда, ҳатто бутунбутун корхоналарда меҳнат интизомининг бузилиш ҳоллари кескин камайиб бормоқда, юқори сифат билан чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми кўпаймоқда. Буни биз ўз корхонамиз қуйи меҳнат коллективлари мисолида ҳам кўриб турибмиз. Масалан, ҳар қандай бригада ҳам доим бир хил маром билан ишлаши қийин, албатта. Биров ишга келмай қолиши, ёки кечикиб келиши, бошқа биров эса ғайрат -шижоат билан ишлаб, бошқаларга ўрнак бўлиши мумкин. Бизда ҳар бир коллективда бригада кенгаши тузилган бўлиб, унинг аъзолари ҳар ой охирида бригада ишчиларининг ишлаб чиқаришда қандай иштирок этганлигини аниқлайдилар, бошқача қилиб айтсак, ташаббускор ва пешқадам ишчиларга қўшимча баллар бериб борилади. Бу эса моддий ва маънавий рағбатиришнинг ўзига хос янги услуби бўлиб, яхшигина тажриба мактаби ҳамдир. Шунингдек, бригада кенгашлари меҳнат интизомини бузган, хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилмаган ишчиларнинг балини пасайтириш ҳуқуқига ҳам эга.

Корхонанинг оддий бир ишчиси жонкуярлик билан айтаётган бу сўзларда катта маъно бор. Қолаверса, унинг фикрида комбинат коллективи социалистик мажбуриятларини бажариш йўлида қандай тажрибалар тўпланганлиги таъкидланяпти. Ана шундай илғор иш усуллари шарофати билан корхонада меҳнатни ташкил қилиш яхшиланди, иш вақтидан тўлароқ фойдаланиш йўллари излаб топилди. Натижада корхонада меҳнат унумдорлигини ўстириш топшириғи социалистик мажбуриятда белгиланган 0,2 процент ўрнига 0,3 процент ошириб бажарилди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг 96,2 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилди. Давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотлар салмоғи планда белгиланганига нисбатан 0,5 процент кўпайди.

Қўлга киритилган бу ютуқларда корхона ихтиочилари ва рационализаторларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Улар томонидан сўнги пайтларда иш шароитининг яхшиланиши, дастгоҳлар унумдорлигини ошириш, вақт ва хом ашёдан тежашга қаратилган қатор тадбирлар жорий этилди. Масалан, пардозлаш станоклари иши янги метод асосида ташкил этилди. Илгари станоклардаги пардозлаш ускуналари магнезит аралашмаси билан тайёрланарди. Бу ускуна анча оғир бўлганлиги учун станоклар тез-тез ишдан чиқиб, бўлар-бўлмасга синиб қоларди. Бир ускунани тайёрлаш муддати 28—29 кунгача борарди. Комбинат рационализаторлари сайқаллаш ва силиқлаш ускуналарини бакелит аралашмаси билан тайёрлашни таклиф қилишди. Бу ускуна бор-йўғи беш кун ичида тайёр бўлди. Шунингдек, у аввалгисига қараганда анча енгил ва чидамлидир. «ЛАУ-8» станогига бир йилда илгариги сайқаллаш ускунасидан 1100 донаси керак бўларди. Ҳозир янги сайқаллаш ускунасидан 400 дона кифоя. Корхона иқтисодчиларининг тахминий ҳисобларига кўра, бу ускуналар 16,5 минг сўмдан кўпроқ иқтисодий самара беради.

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтининг зое кетишини қамайтириш ва муқим ишлайдиган меҳнат коллективларини вужудга келтириш юзасидан белгиланган комплекс тадбирлар ҳам муваффақиятли адо этилди. Тежамкорлик борасида эришилган ютуқлар, айниқса, қувончли. Топширикда белгиланидан ташқари 2400 сўмлик мармар ва гранит блоклар, 15 минг киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди. Рационализаторлик таклифларининг жорий қилинишидан 31 минг сўм иқтисодий самара олинди.

Байроқдор Ғазалкент сангтарошлари ҳар галгидек бутун куч ва имкониятлардан оқилона фойдаланиб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини яна шараф билан бажаришди. Қатъий ҳисоб сўраган беш йиллик ниг залворли учинчи йили билан кўнгилли хайрлашиб, янги — 1984 йилни ёруғ юз билан кутиб олишди.

Н. САЪДУЛЛАЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИЖОДКОРЛИК—ЁШЛИККА ХОС

КПСС Марказий Комитетининг умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари юзасидан лойиҳасини ўқиб

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш ҳусусидаги бу муҳим ҳужжат партиямизнинг совет мактаби, истиқбол эгалари тўғрисидаги, бутун жамиятимизнинг тараққиёти ҳақидаги ғамхўрлиги билан йўғрилганлигини яна бир карра таъкидлаш ўринлидир. Унда ўсиб келаётган авлод тарбиясида ягона, меҳнат политехника мактаби тўғрисидаги Ленин ғоялари ўз ифодасини янада тўлароқ топганлигини зўр қониқиш билан ҳис этиш мумкин.

Лойиҳада ёшларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши бобида муҳим тадбирлар, шу жумладан уларни умумий ҳунар таълимига ўтказишни амалга ошириш алоҳида таъкидланган. Худди шу нуқтаи назардан ҳам лойиҳани тўла маъқуллаймиз. Бугун мактаб партасида, ҳунар-техника билим юртларида таълим олаётганлар асримиз охирларига бориб халқ хўжалиги турли тармоқларида катта авлод ўрнини эгаллайдилар.

Республикамиз ҳунар-техника билим юртлари халқ хўжалигининг ҳамма тармоғи учун малакали ишчи кадрлар етказиб берадилар. Бу иш замонавий ишлаб чиқариш вазифалари, фан-техника тараққиёти талабларига мос равишда олиб борилмоқда. Шу боис бўлғуси мутахассислар билим юртида таълим олган кезлари ижодий меҳнатга, техник тафаккур кўникмаларини эгаллашга ўргатилади, ихтиочилик ва рационализаторлик фаолиятининг асосларини эгаллайдилар.

Кейинги пайтда ҳунар-техника таълими системасида ихтиочилик ва рационализаторлик ҳаракатини ривожлантиришда коллектив техник ижодиёт тобора катта аҳамият касб этмоқда. Шуниси ҳам борки, бириктирилган корхоналар мутахассислари ва ишчилари билан ҳунар-техника билим юртлари талабаларининг ҳамдўстлиги мураккаб техник вазифаларни ҳал этишни бирмунча осонлаштиради. Бу ҳол корхона билан илм масканлари алоқасини кучайтиришга, ёшларни новаторлар коллективига кенгроқ жалб этишга имкон бермоқда. Бошқача қилиб айтганда, у талабалар ўртасида коллектив техник ижодкорликнинг энг қулай ва самарали формаси бўлиб қолди. Жумладан, Самарқандаги 32-ҳунар-техника билим юрти талабалари ўқиш кезлари рационализаторлик фаолияти билан шуғулланадилар, ўқишни битиргач эса уларни ремонт-механика заводининг комплекс ижодий бригадасига қабул қилишади. Шу зайл рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш мумкин бўлмоқда.

Ёшларнинг ижодий фаолиятини активлаштиришда вақти-вақти билан республика ҳунар-техника билим юртлари коллективлари кўрикларини ўтказиб туриш таъсирчан восита бўлиб қолди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика Ҳунар-техника таълими давлат комитети билан ўн биринчи беш йиллик учун эълон қилган бундай кўрикда техник ижодиётдаги, ихтиочилик, рационализаторлик ва илмий-техника пропагандасидаги энг яхши ютуқлар намойиш этилади. Кўрик шартларида техник ижодкорлик тўғраклари, ёш рационализаторлар мактаблари, ижтимоий ижодий бирлашмалар тармоғини кенгайтириш ҳамда улар фаолиятини яхшилаш, билим юртлари билан бириктирилган корхоналар ижодий алоқасини мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

Бутуниттифоқ ихтиочи ва рационализаторлар жамияти бошланғич ташкилотлари, қолаверса, билим юртлари коллективлари кўрикда иштирок этиш асосида рационализаторлик таклифлари билан чиқиш ҳамда уларни жорий этиш юзасидан, ижтимоий ижодий бирлашмалар барпо этиш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича зиммаларига ошириган социалистик мажбуриятлар олмоқдалар. Техник ижодкорлик кўргазмалари эса бу борадаги ишларнинг сарҳисоби бўлиб қолади. Талабалар томонидан бажарилган ишлар, илмий ечимларнинг муваффақиятли ҳал этилиши, коллектив ижодкорлик самараси кўргазмалардаги ҳар бир экспонатда ўз аксини топади. Кўргазма айни чоғда ёшлар ўртасида ижодкорлик ва изланишнинг ўзига хос пропагандасига айланиб қолмоқда.

Талабаларнинг ижодий таълимида Каттақўрғондаги пахтачилик машиналари тажриба заводи айниқса ибратли иш қилмоқда. Ёшларнинг В. Цибиногин, З. Бобомуродов, Н. Тўхлиев сингари мураббийлари билим юрти талабаларига ўз тажрибаларини муттасил ўргатиш билан бирга уларни янги ечимларни ишлаб чиқишга жалб этиб, ижодий ташаббускорлигини ўстирмоқдалар. Наманган областининг Чортоқ шаҳрида 111-ўрта ҳунар-техника билим юрти бор. Бу ерда ёшлар техник ижодкорлигида қизиқарли тажриба тўпланган. Ишлаб чиқариш таълими мастерлари раҳбарлигида кичик конструкторлик бюроси ишлаб турибди. Талабалардан иборат бу бюро бириктирилган корхонадан олинадиган лахтак ва газмол қийқимларидан кичкинатойлар учун енгил устки кўйлаклар комплекти нусхаларини яратиб, уни ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Бутуниттифоқ ихтиочи ва рационализаторлар жамиятининг Андижон областидаги 55-техника билим юртидаги бошланғич ташкилоти эса «Андижанирмаш» заводи рационализаторлик ва ихтиочилик бюроси билан жуда пухта алоқа ўрнатган бўлиб, ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида талабаларга бир қанча қизиқарли тадбирлар мўлжаллаб қўйилган. Бу билим юрти битирувчилари ҳам мавжуд ёки янгитдан тузиладиган комплекс ижодий бригадаларга жалб этилмоқда. Ёшларнинг шу зайл техник ижодкорликка тортилиши ишлаб чиқариш практикасининг охирларига бориб улардан айримлари мустақил равишда рационализаторлик таклифларн киритишига олиб келмоқда.

Ёшликда эгалланган билим, орттирилган кўникма бир умр асқотади. Шу боис ёшларнинг техник ижодкорликка, янгиликни излашга, тафаккур юритишга ўргатадиган ҳар қандай восита қўллаб-қувватланишга лойиқдир.

Б. ҚАЮМОВ,
Бутуниттифоқ ихтиочи ва рационализаторлар жамиятининг Ўзбекистон ҳунар-техника таълими системасидаги ташкилотлари республика бирлашган Совети раисининг ўринбосари.

ЯХШИ ШУДГОР — МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

МИҚДОР ВА СИФАТ БИРЛИГИ

Пахта майдонларини шудгорлашнинг аҳамиятини билмайдиган деҳқон топилмаса керак. Ота-боболаримиздан қолган «ер ҳайдасанг куз ҳайда — куз ҳайдамасанг юз ҳайда» деган мақол ҳам ерларни шудгорлашга нечоғли катта аҳамият берилганлигидан далилдир.

Ерни куз фаслида шудгорлаш керак, албатта. Лекин об-ҳаво қандай келади? Мисол учун 1983 йилги пахта йиғим-терими чўзилиб кетди. Бу кузги шудгорнинг ҳам кетга сурилишига олиб келди.

Тўғри, кўпчилик илғор хўжаликларда ерлар шудгорланиб қўйилганига анча бўлди. Ўша хўжаликларда яхоб бериш, шўр ювиш ишлари тезкорлик билан сифатли ўтказилмоқда. Бироқ, анчагина колхозлар ва совхозларда ерларни шудгорлаш шу куннинг талаблари даражасида ташкил этилаётгани йўқ. Ҳали ғўзапояси юлиб олинмаган майдонлар бор. Ҳайдов тракторлари автотрактор парклари, дала шийпонлари ёнида қантариғлик турибди.

Мен мутахассис-агроном сифатида кўп йиллик деҳқончилик тажрибасига асосланиб, шуни айтмоқчиманки, сифатли ўтказилган шудгор пахта ҳосилдорлигини гектар бошн ҳисобига ўртача 5—6 центнергача кўтаради. Фақат шугина эмас. Ер чуқур шудгорланганда устки қатламдаги бегона ўтларнинг уруғи, илдизлари қуйи қатламга тушиб, қиш ойлари давомида чириб кетади. Шудгор туфайли қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қирон келтирилади. Касалликлар эса камаяди.

Ҳосилдорликни оширишнинг муҳим факторларидан бири тупроқ қатламида етарли миқдорда нам тўплашдир. Шуни кўзлаб яхоб берамиз, запас суғориш ўтказамиз. Лекин булар қиш фаслидаги қор-ёмғир наминнинг ўрнини боса олмайди. Ер 40—45 сантиметр чуқурликда шудгорланганда унинг қатламига нам яхши сингаади. Тупроқни кўпчитиб, донадорлигини оширади. Ерни шудгорлашдан олдин солинган минерал ва органик ўғитлар эса тупроқни қиздириб, оби-тобига келтиради. Қатламдаги фойдали бактериялар фаолиятини кучайтиради.

Биз 1982 йилнинг куз ва қиш фаслларида пахта майдонларининг ҳаммасини минерал ва органик ўғитлар билан ўғитлаб, белгиланган чуқурликда шудгорладик. Натижада баҳорга чиқиб ишимиз анча енгил кўчди. Ўша шудгорланган майдонларни бороналаб ёни чизеллаб, қисқа фурсатда чигит экиб бўлдик. Пировард натижа қандай бўлди? Совхозимиз 1983 йилда 12.300 тонна пахта тайёрлаб, йиллик планни ортиғи билан бажарди. Бир йилда ҳосилдорлик кўзда тутилганидан анча кўтарилди. Шудгорнинг аҳамияти ҳақида гап борар экан, пахтачилик бўлимининг бошқарувчиси Жўрабой Усмоновнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтмоқчиман.

— Бўлимимизда пахта ҳосилдорлиги йилига 7—8 центнер кўтарилмоқда, — дейди у, — бунда экинзорларни чуқур шудгорлаш ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Биз ҳар қандай шароитда ҳам карталаримизни ўғитлаб, шудгорлаб қўямиз. Натижада пахтазорларни баҳорда чигит экишдан олдин ҳайдашга ҳожат қолмайди. Ишчи кучлари, техника воситаларидан бошқа зарур ишларда фойдаланилади. Деҳқончиликда фурсатдан ютиш, ҳосилдан ютиш демакдир.

Жўрабой Усмонов бўлими чўлқуварлари бу йил ҳам совхозимизда биринчи бўлиб шудгорлашни тамомладилар. Саид Анорқулов, Ўктам Муллажонов, Равшан Умурзоқовлар бошқарувчилик қилаётган бўлимларда ҳам ерлар шудгорланиб, баҳорги чигит экишга тахт қилиб қўйилди.

Биз совхозимиз тракторчиларини икки группага бўлдик. Биринчи группага Зиёвутдин Рустамов, иккинчисига Муҳирбой Аҳмедов бошчилик қилмоқда. Ҳар бир группага кунлик, беш кунлик шудгорлаш графиклари берилган. Унинг ижро этилиши мутахассислар назорат қилиб бораётирлар. Ишда сифатга алоҳида эътибор берилаётир. Ҳар икки группа тракторчиларидан Маматқул Абдуғаниев, Ўрол Эргашев, Абдузуҳур Муродов, Илёс Шокиров, Мусулмон Рустамовлар кунлик графикларни 120—130 процентга етказиб адо этмоқдалар.

— Ҳаво анча совиб қолди, — дейди моҳир тракторчи Марқабой Жумабоев, — лекин бу қўрқинчли эмас. Баъзан тизза бўйи келадиган қорда ҳам ерларни шудгорлаганмиз. Бугунги меҳнатимиз келгусидаги мўл ҳосилга қўйилган пойдевордир. Ҳар қандай шароитда ҳам барча пахта майдонларини тез кунларда чуқур шудгорлаб бўламиз.

Барча тракторлар тўла қувват билан ишлатилмоқда. Тракторчиларга уч маҳал иссиқ овқат етказиб берилмоқда. Улар иссиқ кийимбош билан таъминланган. Икки ярусли плуг билан кунига графикни ошириб бажараётган тракторчилар рағбатлантириб борилмоқда. Ҳар бир тракторчи кунига 7—8 гектар ерни сифатли шудгорламоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ерларни шудгорлаш катта ишнинг бошланишидир. Шудгорлаш билан бир қаторда пайкалларни кафтдек текис ҳолга келтириб кетиш керак. Йўл, йўлкалар, вақтинча суғориш шахобчалари иложи борича камайтирилмоғи, айниқса уватлар, дарахтларнинг ости ҳам чуқур ҳайдалиб пахтазорларга қўшиб юборилмоғи даркор. Гектарларнинг тўла бўлишига шу кунларда замин яратишимиз керак.

Кўп жойларда махсус органик ўғитлар жамғарадиган бригадалар ташкил қилинган. Улар катта ҳажмдаги ишларни бажаряптилар. Фермалар, комплекслар колхозчилар, совхоз ишчилари ва хизматчиларнинг молхоналари, қўйхоналари, парандахоналаридан кўплаб органик ўғитлар ташиб чиқармоқдалар. Ерлар шудгорланиб бўлингандан кейин ҳам органик ўғитлар солишни давом эттиравериш керак. Чунки органик ўғитлар ерни узоқ вақт юмшоқ ҳолда сақлайди. Айни кезда табиий намнинг бугланиб кетишига йўл қўймайди.

Ниҳоят, шўр ювиш ҳақида икки оғиз сўз. Кейинги йилларда Мирзачўл ва Жиззах чўллари шўрлана бошлади. Бунга сабаб шуки, ирригация-мелиорация иншоотларининг сув ўтказиш қобилияти анча сустлашиб кетди. Зовурлар тобора саёзлашиб боряпти. Бу нуқсонни тезда бартараф этишда республиканинг даҳлдор ташкилотлари раҳбарлари биз, чўлқуварларга амалий ёрдамни кучайтирмоқлари керак.

Хўжаликларнинг раҳбарлари шўрланиш даражасига қараб ҳамма майдонларда икки-уч марта шўр ювиш ўтказилишини таъминламоқлари даркор. Ер сифатсиз ювилса ёки бир парча жойнинг шўри ювилмасдан қолса, кейинчалик шўрланиш яна кучаяверади.

Совхозимиз чўлқуварлари ўн биринчи беш йиллик учун белгиланган пахта тайёрлаш планини тўрт йилда бажаришга аҳд қилганлар. Ўтган уч йилнинг якуни бунга шубҳасиз эришиш мумкинлигидан далолат бераётир. Коллективимиз агротехниканинг қишки тадбирларини ҳар жиҳатдан сифатли қилиб ўтказадилар. 1984 йилни «оқ олтин»дан рекорд ҳосил етиштириш йилига айлантириш учун мусобақани авж олдирадилар. Кўкламги экиш мавсумини ташкилий жиҳатдан пухта тараддуд билан кутиб оладилар.

Жабборқул ТЎХТАЕВ,
Арнасой районидаги Юлиус Фучик номли совхоз бош агрономи.

ЯНГИЛИКЛАР 84

АСАЛАРИЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

✦ Жиззах, Ғаллаорол, Зомин районларидаги асаларичилик хўжаликлари асал етиштириш йиллик планини ошиғи билан адо этдилар.

Областда бу йил 108 тонна ўрнига 114 тонна асал етиштирилиб, шундан 103 тоннаси давлатга сотилди. Асал етиштириш область бирлашмасида йилига 200 тонна асални майда идишларга жойлайдиган автоматик цех ишга туширилди. Бу асални истеъмолчиларга етказишда катта қулайлик туғдиряпти.

ЯНА БИТТА КОРХОНА

✦ Қўриқ воҳада пахтани қайта ишлайдиган саноат корхоналарининг сони яна биттага кўпайди.

Октябрь районининг маркази — Зафарободда яқинда ишга тушган пахта тозалаш заводи район хўжаликларида етиштирилган «оқ олтин»ни қайта ишлай бошлади. Йилига 20 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган бу завод янги замонавий техника билан жиҳозланди.

Т. МАҚСУДОВ.

МЎЛ-КЎЛЧИЛИК ЯРАТИШ ЙЎЛИДА

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ РЕДАКЦИЯСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК БЎЛИМИ ЖАМОАТЧИЛИК СОВЕТИДА

Совет аъзолари йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг декабрь (1983 йил) Пленуми қарорлари, партия Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқи тексти зўр қизиқиш билан муҳокама қилинди. Ўтган йили қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишда қўлга киритилган ютуқлар мамнунлик билан тилга олинди. Йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди. Асосий эътибор 1984 йилги топшириқларни бажаришга қаратилиб, ўзаро фикр алмашилди. Қуйида совет аъзоларининг йиғилишида бидирган фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Жавод КУЧИЕВ,
Комсомол районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси:

— Ўтган йили хўжалигимиз бўйича пахтадан тортиб, чорва маҳсулотлари тайёрлашгача бўлган барча планлар ортиғи билан бажарилди. Давлатга маҳсулотлар сотиш миқдори кўпайтирилиб, сорти ва сифати яхшиланди. Машинада пахта теришнинг плани ҳам муваффақиятли адо этилди. 1984 йил мўл ҳосилига пухта замин яратилмоқда.

Бултур ҳашаротларга қарши биологик усул қўлланилиши туфайли 120 минг сўм маблағ тежаб қолинди. Пахта ҳосилдорлиги эса кўтарилди. Об-ҳаво ноқулай келишига қарамай пахтанинг асосий қисмини биринчи сортларга сотдик. Демоқчиманки, барча хўжаликларда биологик цехлар, лабораториялар қуриш мақсадга мувофиқдир. Шунда атроф муҳит ҳам яхши муҳофаза қилинади.

Гербицидлар бегона ўтларни йўқотади. Яганага эҳтиёж қолдирмайди. Афсуски, гербицидлар тайёрлайдиган айрим саноат корхоналарида сифатга етарлича эътибор берилмаётир.

Ғофир БОТИРОВ,
Бўка район агросаноат бирлашмаси Советининг раиси:

— Ўтган йили йиғим-терим ишлари чўзилиб кетганига қарамай районимиз давлатга 70 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» армуғон этди. План ва социалистик мажбурият шараф билан адо этилди. Муваффақиятнинг сири шундаки, чигит экиладиган 21680 гектар майдон куз-қиш ойларидаёқ баҳорги мавсумга шайлаб қўйилади. Экин-тикин ишлари узоғи билан 7—8 иш кунида бажарилади.

Деҳқонлар сув тақчиллигини тобора кўпроқ сезяптилар. Шундай экан, шу кунларда запас суғоришни кучайтириш йўли билан ерда кўпроқ нам тўпламоғимиз, ниҳолларни табиий намга текис ундириб олиш чораларини кўрмоғимиз керак.

Районимиз хўжаликларида бригада ва оила пудрати кенг жорий этилмоқда. Бу усулни онгли интизом, ташаббускорлик билан мустаҳкамлаш керак. Ҳар бир меҳнатчи ўз бурчини виждонан ўтаса, пировард натижа юқори бўлади. Бригадаларга ажратилган минерал ўғитлар марказий омборларда кўз қорачиғидек асралиши, нобудгарчиликка, талон-торож қилинишига мутлақо йўл қўйилмаслиги керак.

Турсуной РАИМОВА,
Чиноз районидаги, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг раиси:

— Колхозимиз ўтган йили 1195 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 39 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарди. Бу йил ҳосилдорликни гектар бошн ҳисобига 45 центнерга кўтариш ниятидамиз. Яхши ниятга эришмоқнинг ягона йўли ҳалол меҳнатдир. Шу кунларда ирригация-мелиорация тармоқларини тартибга келтиряпмиз. Сизот сувни камайтиряпмиз. Ерда кўпроқ нам тўплаш чораларини кўрмоқдамиз. Ҳар гектар ерга 25—30 тонна органик ўғит солмоқчимиз.

Пудрат асосида пахта майдонларини бригадаларга биркитиб чиқдик. Улар шўр ювиш, яхоб бериш ва бошқа ишларни уюшқоқлик билан олиб бораётирлар. Техника ремонти жадал давом эттирилмоқда. Аммо етарли миқдорда эҳтиёт қисмлар ололмаяпмиз. Оқибатда ремонт ишлари графиги кетга сурилянги. Таъминот идораларининг раҳбарлари бу борада оператив чоралар кўриши керак.

— Ўзимга биркитилган 24 бош сигирнинг ҳар бошидан ўтган йили 5158 килограммдан сут соғиб олдим, — деди **Янгиўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз сут-товар фермаси ходими Муборак Мирзаалиева,** — пунктга 125 тонна сут топширдим. Бошқа соғувчилар ҳам яхши кўрсаткичларга эришдилар. Натижада колхозимиз бўйича сут тайёрлаш ва давлатга сотиш йиллик плани ортиғи билан бажарилди. Биз бундай муваффақиятга озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорвадорлар орасида социалистик мусобақани кучайтириш йўли билан эришмоқдамиз. Ҳали резервларимиз кўп. 1984 йилда янада юксак марраларни эгаллаш учун астойдил курашаверамиз.

«Узбеккаракульпром»нинг мутахассиси Файзулла Нурмуҳаммедов комсомол-ёшлардан малакали бош чўпонлар тайёрлаш масаласига тўхталди. Улар СССРнинг Озиқ-овқат программасини амалга оширишда байроқдор бўлиб қолишлари шубҳасиздир.

Г. С. Зайцев номидаги Бутуниттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти директорининг ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати Раҳим Исаев республикада ингичка толали пахта етиштиришнинг истиқболлари ҳақида, **Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Шавкат Акмалхонов** чорвачиликни янада ривожлантириш, маҳсулотлар миқдорини ошириш билан боғлиқ масалалар хусусида амалий таклифларни ўртага ташладилар.

Оржоникидзе районидаги Ильич номли паррандачилик яшлаб чиқариш бирлашмасининг оператори Саломат Сайдалиева, «Узглавшёлкпром» бирлашмаси ходими Боқижон Шарипов ўртоқлар ҳам кун тартибида турган вазифаларга тўхталдилар.

* * *

Совет аъзоларининг қимматли фикрлари ифода этилган мақолалар газета саҳифаларида ёритиб борилади.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ХАБАРЛАР ФАКТЛАР

● ЕР ЮЗИДА МУСТАҲКАМ ТИНЧЛИК, ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК БЎЛИШИ ЎЧУН

● СИОНИЗМГА ҚАРШИ, МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ПОЙМОЛ ЭТИШГА ҚАРШИ КУРАШ КУЧАЙМОҚДА

● БОСҚИНЧИЛАРНИНГ УТАКЕТГАН ЎЗБОШИМЧАЛИГИ

ТИНЧЛИК УЧУН, КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШДА

ПРАГА, 4 январь. (ТАСС). Революционернинг, коммунистнинг ҳаёти курашчининг ҳаётидир. Бу ҳаёт кишиларнинг яхшироқ яшаши учун, социализм ва коммунизм учун, ижтимоий тараққиёт учун тинимсиз, баъзан жуда машаққатли кураш билан тўлиб-тошгандир. КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Юрий Владимирович Андроповнинг ҳаёти мана шундайдир, деб ёзади «Руде право» газетаси. «Свобода» нашриёти чет тилига таржима қилиб чиқарган, шунингдек «Правда» нашриётида словак тилида чиқарилган унинг мақолалари ва нутқлари тўплами шундан далолат беради.

Китоб 1942 йилдан то 1983 йил сентябригача бўлган 40 йилдан кўпроқ давр мобайнидаги нутқлар ва мақолаларни ўз ичига олган. Шу нутқлар ва мақолаларнинг автори комсомол раҳбари ёки КПСС Марказий Комитети аппаратининг ходими, дипломат ёки СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси, кейинчалик эса КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бўлишидан қатъи назар, унинг нутқлари ва мақолалари ўзи шуғулланиб келган кундалик фаолиятнинг мазмунинигина кўрсатиб қолмай, шу билан бирга Ленин партиясининг сиёсатини қиррали ўзаро чиқариш учун, партия съездларининг ва Марказий Комитет Пленумларининг қарорларини бажариш учун олиб борилаётган доимий курашни ҳам акс эттирди.

Нутқлар ва мақолаларда нацист агрессорга қарши, урушдан кейинги тикланиш учун, совет экономикаси ва маданиятини ривожлантириш, тинчликни мустаҳкамлаш учун, совет халқининг моддий ва маънавий бойликларини ошириш учун кураш бутун халқ бирлигини, унинг барча кучларини жипслаштириш соҳасида КПССнинг кўп томонлама фаолияти ўз ифодасини топди.

Ю. В. Андропов КПССнинг ишига, партия ва давлат органларининг фаолиятига ҳар томонлама ҳисса қўшди. Совет халқи, бутун дунёдаги илғор кишилар уни КПСС XXVI съезднинг тинчлик программасини изчиллик билан амалга ошириб, янада ривожлантираётган сиёсатчи ва давлат арбоби деб, ленинча ташқи сиёсат илҳомчиси ва тарғиботчиси деб биладилар. Бутун тараққийпарвар инсоният кўз ўнгида Совет Иттифоқининг обрў-эътиборини баланд кўтараётган бу сиёсат биринчи социалистик мамлакат дунёга келган дастлабки кунларданоқ Ленининг Сулҳ тўғрисидаги машҳур декретидан бошлаб унинг тақдири билан чамбарчас боғланган бўлиб, социализм моҳиятининг ўзини ифода этади.

Халқаро муносабатларга баҳо беришга реалистик ёндашув, шунингдек Совет Иттифоқида коммунизм қурилиши натижаларига баҳо беришга принципиал ёндашув ўртоқ Андропов нутқларига хос хусусиятдир. Бу нутқлар ўртоқ Андроповнинг совет жамиятини тобора ривожлантириш талабларига мос келадиган янги вазифаларни чуқур ўйлаб, олға сура олиш қобилиятини кўрсатади. Унинг нутқлари тарихий оптимизм руҳи билан, меҳнаткаш инсонга, реал социализм ва бутун халқаро коммунистик ҳамда ишчилар ҳаракатининг кучига ишонч ва ҳурмат руҳи билан тўлиб-тошгандир.

Ю. В. Андроповнинг фаолияти ғоят хилма-хил, деб ёзади сўнгра «Руде право» газетаси, аммо ундаги бир соҳа алоҳида ўринни эгаллайди — у ҳам бўлса ядро уруши хавфининг олдини олиш учун, мустаҳкам тинчлик учун, урушлар ва қуролланиш пойгаси барҳам топадиган дунё учун курашдир. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг сиёсати — тинчлик сиёсатидир. Ўртоқ Ю. В. Андропов бир неча марта таъкидлаб ўтганидек, Ленининг уруш ва тинчлик тўғрисидаги таълимотининг энг муҳим жиҳати — тинчлик ва социализмнинг узвий бирлиги тўғрисидаги ғоядир. Бу ғоя янги жамият урушга муҳтож эмас, уруш унинг барча манфаатлари ва идеалларига зиддир, деган фикрдан келиб чиқади. Уруш ва тинчлик масаласи бутун-бутун халқлар учун, инсоният цивилизациясининг ўзи учун ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолган бугунги кунда Ленининг ана шу ғояси алоҳида аҳамият касб этмоқда.

«Руде право» газетаси сўнгра қуйидагиларни таъкидлайди: совет коммунистлари бизнинг сиёсатимиз — тинчлик сиёсатидир, демоқдалар. Аммо бу гап Совет Иттифоқи ва Варшава Шартномасидаги бошқа мамлакатлар янги ядро уруши хавфидан ғафлатда қолишига йўл қўямиз деган маънони билдирмайди. Ҳозир амалга оширилаётган жавоб чораларини СССР ва унинг иттифоқчилари хавфсизлигининг ҳаётий манфаатлари тақозо этмоқда. Ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш шундай чоралар кўришни зарур қилиб қўйди. Океаннинг у томонидаги авантюрачилар «чеклаган» ядро урушида ғалаба қозонишга муваффақ бўламиз, деган умида уларнинг биринчи зарба уриш имкониятидан маҳрум қилиш ана шу чораларнинг моҳиятидир.

Гап истисносиз барча давлатлар ва халқларга таҳдид қилаётган жаҳоншумул ядро можаросининг олдини олиш тўғрисида бормоқда, деб ёзади «Руде право» газетаси. Бу ленинча сиёсатнинг тинчлик принципларига батамом мос келади. Совет ташқи сиёсатининг конкрет тадбирлари ижтимоий тараққиёт ғалабасига, тинчлик кучларининг уруш ва реакция кучлари устидан ғалабасига бўлган чуқур ишончга асосланади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва шахсан ўртоқ Андропов мамлакатнинг мудофаа қобилиятини таъминлаётган ҳамда совет халқининг турмуш ва маданият даражасини муттасил ошириш имконини берадиган халқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор бермоқдалар.

Ю. В. Андропов нутқлари ва мақолаларининг мазкур тўплами шундан далолат беради. Аввало меҳнат самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ вазифалар унинг диққат марказидадир.

Тўпламдаги кўпгина мақолалар ва нутқларда ўртоқ Андропов социалистик демократияни ривожлантириш, партия, Советлар, касаба союзлари ва бошқа жамоат ташкилотлари фаолияти проблемалари билан шуғулланади. Бунда у Ленининг социалистик жамиятга сиёсий раҳбарлик қилиш ўз формасидан қатъи назар ҳамиша меҳнаткашларнинг энг зарур манфаатларини ифода этиши, кенг социал негизга, ҳар томонлама синфий иттифоқларга таяниши ҳамда социалистик ўзгартишлар жараёнига жамиятнинг барча илғор ва софдил кучларини жалб этиши керак деган ғоясини биринчи ўринга қўяди.

Совет Иттифоқида ривожланган социалистик жамият қурилди, деб ёзади сўнгра «Руде право» газетаси. Бу эса жамиятнинг шундай етук босқичига эришилганки, бу босқичда ҳаётнинг барча соҳаларида социализм афзалликлари намоён бўлмоқда, деган маънони билдиради. Социалистик демократизмнинг юксак даражада эканлиги шу ижтимоий муносабатларнинг узвий бир қисмидир.

Халқаро коммунистик ҳаракатининг энг тажрибали отряди — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси совет жамиятини тараққий эттириш илҳомчиси ва ташкилотчиси, унинг етакчи кучи ва авангардидир. Совет коммунистлари коммунистик қурилишнинг тобора мураккаброқ вазифаларини ҳал эта борганлари сари партиянинг роли ҳам ошаверади. Бу асло социалистик демократияни чекламайди, балки аксинча, уни янада чуқурлаштириб, юксак даражага кўтаради.

Пировардида «Руде право» газетаси қуйидагиларни ёзади: ҳар бир китоб айни вақтда ўз муаллифи тўғрисида ҳикоя қилади. Юрий Владимирович Андроповнинг танланган нутқлари ва мақолалари унинг шахсини, инсоний фазилатлари ва сиёсий маҳоратини, ташкилотчилик қобилиятлари ва назарий фикрларини, унинг кишиларга принципиал ва айни вақтда меҳрибонлик билан ёндашувини яққол кўрсатади.

Ю. В. Андропов мақолалари тўплами китобхонларимизга билим ва тажрибанинг ғоят катта бойлигини беради, ана шу билим ва тажриба Чехословакия социалистик экономикасини, маданиятини ҳамда турмушимизнинг бошқа соҳаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш манфаатлари йўлида жамиятимиз шароитида амалий равишда рўёбга чиқарилади.

Мазкур китоб билан танишув ниҳоятда фойдали ва актуалдир. Бу китоб ижтимоий тараққиёт кучига ва унинг енгилмаслигига ишонч ҳамда чуқур эътиқод билан ёзилган.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ИШОНЧЛИ ЙЎЛИ

ДЕҲЛИ, (ТАСС). Ҳиндистонда чиқадиган «Дейли» газетаси 1983 йилни Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасидаги кўп қиррали ўзаро манфаатли алоқалар янада мустаҳкамланган йил бўлди, деб ёзади. Делегацияларни ўзаро юбориб туриш, иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик ҳукуматлараро Совет-Ҳиндистон комиссияси VIII мажлисининг самарали иши икки томонлама иқтисодий ва савдо муносабатларининг мустаҳкамлигини яққол намойиш этди ва бу муносабатларни кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш истиқболларини конкрет равишда белгилаб олишга имкон берди, деб уқтиради газета.

Декабрь ойининг бошларида иккала мамлакат ўртасидаги биринчи узоқ муддатли савдо-сотиқ шартномаси имзоланган кунга ўттиз йил тўлди. Шу давр ичида ҳар иккала давлат ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми 17 миллион рупиядан 35 миллиард рупияга етди. Савдо структурасида сифат жиҳатдан катта ўзгаришлар рўй берди. Дастлабки босқичда Ҳиндистон асосан СССРга ўзининг анъанавий молларини етказиб берган бўлса, бугунги кунда, республика саноат базасининг мустаҳкамланиши натижасида Ҳиндистон Совет Иттифоқига юбораётган молларнинг 60 процентини саноат товарлари ва тайёр буюмлар ва шу жумладан, машинасозлик маҳсулотининг турли хиллари ташкил этади.

ИСРОИЛ ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИНИНГ ЗАБАСТОВКАСИ

НЬЮ-ЙОРК. Исроил давлат хизматчиларидан салкам 40 минг кишининг забастовкаси мамлакатдаги энг муҳим муассасаларнинг ишини батамом издан чиқариш хавфини солмоқда. Американинг Ассошиэйтед Пресс агентлиги хабар қилишича, ташқи ишлар министрлигининг ходимлари чет эллик дипломатларни қабул қилишдан воз кечдилар ва белгиланган матбуот конференциясини бекор қилдилар. Иш ташлаганларнинг вакили Исроилнинг чет эллардаги элчихоналари билан алоқани тўхтатиш ва министрликни батамом ёпиб қўйиш ниятида эканлигини журналистларга маълум қилди. Ички ишлар министрлигининг хизматчилари паспортлар, шахсий гувоҳномалар ҳамда бошқа расмий ҳужжатларни бермай қўйдилар, социал таъминот системасининг ходимлари нафақалар тўлашни тўхтатдилар, солиқ инспекторлари эса солиқ тўплашдан бош тортмоқдалар.

Иш ташлаган кишилар ҳукуматнинг иш ҳақини чеклаш ҳамда пул қадрсизланиб бораётганлиги учун товон тўлашни қисқартириш тўғрисидаги қарори бекор қилинишини талаб этмоқдалар. Пул қадрсизланиши суръатлари йилига салкам 200 процентни ташкил этмоқда. Шундай йўл билан маъмурлар 5,3 миллиард долларга борадиган тўлов балансидаги камомати ва 23 миллиард доллардан ошиб кетган жуда катта ташқи қарзни меҳнаткашлар ҳисобидан камайтиришга уринмоқдалар.

СУД ЙЎЛИ БИЛАН ЎЧ ОЛМОҚДАЛАР

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Гренададаги америкалик босқинчилар халқ революцион ҳукуматининг турмага ташланган собиқ раҳбар арбобларидан суд йўли билан ўч олишга киришдилар. Сент-Жоржес шаҳридан олинган хабарларга кўра, босқинчилар тайинлаган «экспертлар» камида 35 нафар гренадалик сиёсий маҳбусга нисбатан «айбнома хулосалар тайёрлаш» юзасидан иш бошладилар. Айни вақтда Американинг оккупациячи маъмурлари маҳбусларга адвокатлар ёрдамида ҳимоя қилиниш ҳуқуқини беришдан бош тортмоқдалар. «Мана шу кишилардан бирортаси ҳам қамоққа олинганидан бери адвокат билан учрашгани йўқ, — деди АҚШнинг собиқ юстиция министри Р. Кларк «Чикаго сан-Таймс» газетаси мухбири билан суҳбатда. У Гренадада бўлган вақтида маҳбуслар билан учрашишга уринib кўрган эди.

УРУШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

БАҒДОД. (ТАСС). Ироқ бош ҳарбий қўмондонлигининг ахборотида маълум қилинишича, Ироқнинг ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучлари Ормуз бўғози районида Бендер Хумайни портига бораётган Эроннинг беш кемасига ҳужум қилиб уларни ғарқ қилганлар. Денгиз ва ҳаво жанги чоғида бўғоз устида Эроннинг бигта вертолёти уриб туширилган. Ироқ томони эса икки жанговар самолётидан маҳрум бўлган.

НИКОСИЯ. (ТАСС). Эрон осмонига бостириб кирган Ироқнинг икки жанговар самолётини Эроннинг қирувчи самолётлари уриб туширган. Эрон қуролли кучлари бирлашган қўмондонлигининг Теҳрон радиоси эшиттирган ахборотида шу гап айтилади. Фао порти районида Ироқнинг ракета қурилмаси мажақланганлиги ҳам хабар қилинади.

Ғарбнинг империалистик доиралари, айниқса АКШнинг Марказий разведка бошқармаси афғон аксилинқилобчиларини қуроллантириб, Афғонистонга қарши қўпорувчилик ҳаракатларини кучайтирмоқдалар. [Газетадан].

— Империализм берган куч, қурол билан
Афғон инқилобин бўғмоқчи душман.
Лекин босмачию қаттол МРБ
Қанча чирпирасин, ўтмас фирибг.

Б. Жуков чизган расм.

ҚИТЪАЛАР КЎЗГУСИ

Анъанавий Тошкент кинофестивалини ташкил этиш ва уни муваффақиятли ўтказиш ишига таниқли ўзбек кинематографчилари муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Айни вақтда улар кинофорум программасига ўзларининг янги асарларини тақдим этиб, бугунги кундаги экран санъатимизнинг равнақини намойиш этишяпти. Ана шундай санъаткорлардан бири «Ўзбекфильм» киностудиясининг директори, СССР халқ артисти, моҳир режиссёр Шуҳрат Аббосовдир.

Шуҳрат Аббосовнинг «Абу Райҳон Беруний», «Оловли йўллар» фильмлари билан Тошкент кинофестивалари очилган, Режиссёрнинг «Тошкент — нон шаҳри» картинаси ҳам уч қитъа форумида муваффақиятли кўрсатилган.

Мухбиримиз Ш. С. АББОСОВ билан учрашиб суҳбатлашди.

— Шуҳрат Солиҳович, Тошкент кинофестивали ҳақидаги суҳбатимизни унинг шиоридан бошласак.

— Жуда тўғри иш қилган бўламиз. «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинематографчилари халқаро Тошкент кинофестивалининг шиори. Менимча, бу шиор оддий шиорлардан тубдан фарқ қилади. У илғор фикрли кишиларнинг, биринчи навбатда фестивални уюштирган, катта муваффақият билан ўтказиб келаётган совет кишиларининг ғоят муқаддас мақсадидир! Биз шунинг учун хурсандмизки, мана шу ният-мақсад даъвати туфайли кейинги йилларда жаҳон кино санъатида қувонч билан таъкидласа арзийдиган прогрессив ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришлар энг аввало яратилаётган фильмларнинг мазмунида, ғоясида яққол кўзга ташланаётир. Эндиликда уч қитъанинг илғор фикрли кинематографчилари ўзларини эзгулик жарчилари деб ҳисобламоқдалар. Тошкент анжумани даъватига жавоб берадиган, яъни тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» — Осиё, Африка ва Лотин Америкаси кинематографчилари халқаро Тошкент кинофестивалининг шиори. Менимча, бу шиор оддий шиорлардан тубдан фарқ қилади. У илғор фикрли кишиларнинг, биринчи навбатда фестивални уюштирган, катта муваффақият билан ўтказиб келаётган совет кишиларининг ғоят муқаддас мақсадидир! Биз шунинг учун хурсандмизки, мана шу ният-мақсад даъвати туфайли кейинги йилларда жаҳон кино санъатида қувонч билан таъкидласа арзийдиган прогрессив ўзгаришлар юз бермоқда. Бу ўзгаришлар энг аввало яратилаётган фильмларнинг мазмунида, ғоясида яққол кўзга ташланаётир. Эндиликда уч қитъанинг илғор фикрли кинематографчилари ўзларини эзгулик жарчилари деб ҳисобламоқдалар. Тошкент анжумани мамлакатларда ўтказилаётган биронта кинофорумда бундай ҳолни кўриш қийин. Иккинчидан, яқиндагина ўз киносига эга бўлган мамлакатлар иложи борича форумда актив иштирок этишга интилмоқдалар. Шу боисдан актив иштирокчилар деб конкрет давлатлар ёки санъаткорларни кўрсата олмайман. Тўғри, Япония, Мексика, Ҳиндистон каби йирик кинематография мамлакатлари ҳар бир фестивалда кўплаб фильмларини намойиш этишяпти. Раж Капур (Ҳиндистон), Пастор Вега Торрес, Хулио Родригес (Куба), Бадрахим Самхуу (Монголия), Сембен Усмон (Сенегал), Исселя Вега (Мексика), Тосиро Мифунэ (Япония) каби машҳур киноарбоблар ҳар гал ўзларининг янги фильмлари билан келмоқдалар. Лекин уларнинг бу фаолиятини биз табиий деб ҳисоблаймиз.

Фестиваль активлари — бу тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун, дўстлик учун, энг муҳими, эзгу идеаллар учун кураш ғояларидир!

— Энди «Ўзбекфильм» киностудиясининг уч қитъа анжуманига кўраётган тайёргарлиги ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Коллективимиз ижодкорлари фестиваль мезбонларидир. Биласиз, бундай халқаро санъат форумига мезбонлик қилиш катта шараф ва айни вақтда катта масъулият ҳам демакдир. Республикамизга, Тошкентга ташриф буюрадиган ҳамкасбларимиз, шубҳасиз, бугунги ўзбек киноси, унинг яратувчилари билан қизиқишади. Устоз санъаткорлар яратган, аллақачон жаҳон экранларига чиқиб кетган нодир картиналаримизни улар кўришган, яхши билишади. Ана шу машҳур фильмлар тажрибалари қандай ўзлаштириляпти, устозларга муносиблик қандай, деган саволлар, шубҳасиз, уларни қизиқтиради. Айни вақтда совет кинематографиясининг илғор отрядларидан деб ҳисобланган миллий маданиятимизнинг ўзига хослиги ҳам диққат марказида бўлади. Ҳар бир асарни яратиш жараёнида бошқа масъулиятлар каби Тошкент кинофестивали масъулиятини ҳам ҳис қилиб турамиз. Ахир, Тошкент кинофестивалининг мезбонлари яратган деган гап ҳазилакам гапми?! Шундай экан, фақат яхши ижод қилишимиз, тўғрироғи мезбонликка муносиб бўлишимиз керак-да. Хурсандмизки, киночиларимиз бир-биридан завқли фильмлар экранлаштириб, фестивалга муносиб тайёргарлик билан келишяпти. Улар кинофорумнинг ташкилот комитети ишида ҳам актив қатнашмоқдалар. Ҳар галгидек бу йил ҳам фестиваль программасига янги фильмларимиздан бирини ҳавола этамиз. Ҳозир ана шу тақдим этилажак асар устида фикрлашмоқдамиз. Кинофорум репертуарида кўрсатиладиган фильмимиз ўзбек бадиий киносининг бугунги равнақини кўрсатишга хизмат қилиши керак.

— Уч қитъа кинофестивалига, унинг иштирокчилари ва меҳмонларига қандай тилакларингиз бор?

— Мен бу саволга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг «Ҳамма қитъаларда кинематографчиларнинг овози ҳақиқат, эзгулик, социал адолат, халқлар ўртасида ишонч ва тинчлик тантанаси йўлида янграйверсин!», деган ғоят улуғвор, истак-нияти билан жавоб бераман.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

«ПАХТАКОР» МАШҚ МАЙДОНИДА

Ўзбекистон футболининг бош командаси — «Пахтакор» футболчилари янги мавсумга ҳозирлик кўришни барвақт бошлаб юбордилар. «Танзания бўйлаб сафаримиз бу йилги чемпионатга шайланишимизнинг дебочаси бўлди, десам муболаға бўлмас, — дейди Тожикистон ССР ва Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер, пахтакорчилар устози Иштван Секеч. — Сафар чоғида учта халқаро ўртоқлик учрашувида куч синашдик. Футболчиларимиз ўйинларни кўтаринки руҳда ўтказишга, ҳамжиҳатлик билан тўп суриб, ғалаба қозонишга ҳаракат қилдилар. «Памба» клуби билан учрашув — 3:1 ҳисобида пахтакорчилар фойдасига ҳал бўлди. Тўпларни иккитасини А. Журавлёв дарвозага йўллаган бўлса, биттасини А. Якубик киритди. «Симба» командаси билан ўтказилган иккинчи учрашув ҳам мароқли бўлди. Лекин бу ўйинда майдон эгалари ҳам астойдил ҳаракат қилиб ҳисобни (2:2) тенглаштирдилар. Дарвозага иккита тўп киритишда бу гал А. Якубик маҳорат кўрсатди. Танзания чемпиони «Янг Африканз» футболчилари билан якунловчи учрашувда майдон эгалари устунлик қилишди. Ўйин 2:1 ҳисобида тугади. Ягона тўпни М. Кабаев дарвозага киритди. Шундай қилиб 15—28 декабрь кунлари мобайнида Танзания бўйлаб ўтказган сафаримиз мухлислар ва ўйинчиларимизда унутилмас таассурот қолдирди».

Ҳозир пахтакорчилар «Қибрай» спорт комплексида уч ҳафталик туркум машқларни ўтказмоқдалар. 20 январдан бошлаб СССР кубоги учун курашда муваффақиятли иштирок этиш учун алоҳида машқлар ўтказишга киришиладн. Бунинг учун Душанбанинг «Помир» командаси билан ўз майдонларида ва сафарда учрашув ўтказиш мўлжалланган. 2—13 февраль кунлари Тошкентда ўтказиладиган халқаро турнир ҳам пахтакорчиларнинг мавсумга шайлигини синаб кўришда муҳим босқич бўлиб қолади. «Пахтакор» дастлабки расмий учрашувни мамлакат кубоги учун «Факел» — «Текстильщик» командалари ўйинида ғолиб чиққан коллектив билан ўтказади.

Мамлакат чемпионати олий лига командалари ўртасида 10-мартда старт олади. Футболчиларимиз чемпионат ўйинларини сафарда Тбилиси динамочилари ҳамда Бокунинг «Нефтчи» командаси футболчилари билан ўтказадилар.

«Пахтакор» командаси составида бирмунча ўзгаришлар юз берди. Чунончи, дарвозабон В. Николаев коллективдан кетган бўлса, моҳир ҳужумчи Андрей Якубик футбол билан хайрлашди. Ўзбекистонда тўп ўйнаб, маҳорат ошириган Москва «Спартак» командаси ярим ҳимоячиси Эдгар Гэсс янги мавсумни пахтакорчилар сафида ўтказишга аҳд қилди. Шунингдек, ҳозир республика футбол мактабларининг 10 нафар талабаси машқларга зўр бериб турибди. Тренерлар улардан бир нечтасини коллективга қабул қилишни мўлжаллашмоқда.

А. ТУРҒУНОВ.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИШ.

Ш. Иброҳимов фотоэтюди.

ҲОВЛИ ТУЙИЛАРИ

Ангор районидаги «Таълимарон» пахтачилик совхозининг ишчилари яқинда яхши туҳфа олдилар. Бу ерда тўртта икки квартирали уй фойдаланишга топширилди. Ҳар йили совхозда маданий-маиший объектлар қурилишига катта маблағ ажратилмоқда. Масалан, ўтган йили 360 ўринли болалар комбинати, 530 ўқувчига мўлжалланган ўрта мактаб қурилди. Ҳозир хўжаликнинг марказий қўрғонида катта савдо маркази қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Бу ерда бир қанча ихтисослаштирилган магазинлар ва ошхона бор.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

1966 ЙИЛГИ 3 ПРОЦЕНТЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ 140-ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

БУ ТИРАЖ 30 ДЕКАБРДА МОСКВА ШАҲРИДА УТКАЗИЛДИ.

Заёмнинг ҳамма бир юз бир разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
100180	34*)	500	140897	12*)	500	170768	19*)	500
100410	1—50	40	140917	1—50	40	171389	42*)	1.000
100768	1—50	40	142312	50*)	500	171522	19*)	2.500
100939	47*)	500	144512	1—50	40	171820	32*)	500
103659	42*)	500	144776	04*)	500	172522	1—50	100
107350	12*)	5.000	146655	10*)	500	172846	25*)	500
107914	1—50	100	146816	16*)	1.000	173876	43*)	500
108389	37*)	1.000	146865	09*)	500	174379	33*)	500
109146	09*)	1.000	148476	49*)	500	174610	32*)	2.500
109435	1—50	40	148830	1—50	40	175443	1—50	40
109689	35*)	500	149259	07*)	500	175901	18*)	500
109808	16*)	500	149506	11*)	500	176282	15*)	1.000
109909	1—50	40	149517	26*)	1.000	176688	22*)	500
111241	34*)	500	149632	1—50	100	176824	1—50	40
111712	1—50	40	150406	19*)	1.000	176980	1—50	100
111941	33*)	500	150826	1—50	100	177793	1—50	40
112166	29*)	500	151105	14*)	500	178034	48*)	500
112756	42*)	500	151115	39*)	500	178049	1—50	40
112806	1—50	100	151437	01*)	500	178207	38*)	500
112822	36*)	2.500	151951	42*)	1.000	178382	48*)	500
114112	1—50	40	152264	26*)	500	180519	42*)	500
114524	18*)	5.000	152651	1—50	40	180573	33*)	1.000
114604	29*)	500	153377	39*)	1.000	181338	41*)	500
115117	30*)	1.000	153868	12*)	500	181617	1—50	40
116833	19*)	500	154015	46*)	500	182180	1—50	100
117536	1—50	40	154033	45*)	500	182967	01*)	500
117551	28*)	1.000	155589	35*)	2.500	183479	22*)	500
117946	1—50	40	155855	15*)	1.000	183662	18*)	500
117955	28*)	500	155876	12*)	500	183817	02*)	500
118334	14*)	500	156270	1—50	40	183913	1—50	40
120407	39*)	500	156324	1—50	40	184377	46*)	500
120962	06*)	500	157684	49*)	500	185473	22*)	500
122532	31*)	500	158868	1—50	100	185799	47*)	500
124004	31*)	500	159012	1—50	100	186335	16*)	500
124078	01*)	500	159089	24*)	500	186605	29*)	500
125945	31*)	500	159485	10*)	500	186751	19*)	500
126988	33*)	500	159643	49*)	1.000	187347	35*)	500
127104	1—50	100	159818	05*)	500	187521	10*)	500
127211	47*)	500	160518	1—50	40	188195	19*)	500
128953	45*)	500	160660	36*)	500	188389	15*)	1.000
129879	10*)	500	160671	1—50	40	189419	25*)	500
130066	09*)	500	160841	1—50	40	189564	28*)	500
130640	38*)	500	160927	18*)	500	191368	02*)	500
130704	43*)	500	162645	47*)	500	191582	28*)	500
130772	1—50	100	162934	34*)	1.000	191921	1—50	100
133033	1—50	40	163408	16*)	1.000	192991	34*)	500
133266	08*)	500	163672	19*)	500	193564	12*)	500
134114	1—50	40	163778	30*)	500	193693	11*)	500
134664	31*)	500	164330	02*)	500	194708	34*)	500
134724	42*)	500	164598	06*)	500	195376	15*)	500
135301	1—50	100	164890	08*)	2.500	195649	20*)	500
135691	42*)	500	165047	04*)	500	195659	43*)	500
137181	03*)	500	165413	29*)	500	195665	18*)	500
137590	28*)	500	165828	1—50	100	196298	33*)	500
137789	34*)	500	166085	1—50	40	196419	1—50	40
138267	29*)	1.000	167455	42*)	500	196741	29*)	1.000
138356	28*)	500	167522	1—50	40	196779	1—50	40
139479	1—50	40	168148	23*)	500	196972	1—50	40
139695	1—50	40	168835	36*)	500	197413	28*)	1.000
139968	02*)	500	169397	1—50	40	197650	1—50	40
140190	31*)	500	169702	1—50	40	198140	1—50	40
140658	19*)	500	170438	1—50	100	198373	37*)	500
140730	1—50	40				198778	19*)	500

* Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда йигирма сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган. Ўн сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади. Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон ССРдаги омонат кассалари газетанинг навбатдаги сони чиққандан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — халқ депутатлари Москва шаҳар Перовск район Совети ижроия комитети раиси — А. П. АВЕРЧЕНКОВ.

Комиссиянинг масъул секретари — Л. П. ЕСИНА.

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ 16-ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

БУ ТИРАЖ 30 ДЕКАБРДА МОСКВА ШАҲРИДА УТКАЗИЛДИ.

Заёмнинг тўқиз разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200297	082*)	1000	233384	006*)	1000	267686	061*)	1000
200737	020*)	2500	233900	1—100	250	268799	044*)	500
200848	052*)	500	234894	043*)	500	269152	1—100	100
200883	1—100	250	234935	1—100	250	270759	1—100	250
200936	096*)	500	235586	082*)	1000	271136	1—100	100
201112	098*)	500	235701	1—100	100	271766	043*)	500
201263	1—100	100	236088	001*)	1000	272546	011*)	2500
201796	076*)	2500	236317	010*)	500	273785	009*)	1000
202084	041*)	1000	236373	060*)	500	273931	1—100	100
202140	003*)	500	236587	004*)	2500	274093	100*)	1000
202281	1—100	100	237321	1—100	250	274101	092*)	1000
202985	069*)	1000	237433	068*)	500	274227	066*)	1000
203031	031*)	500	237823	018*)	2500	274701	056*)	500
203697	055*)	500	238548	015*)	500	274827	077*)	5000
204077	090*)	1000	238777	1—100	100	275747	1—100	100
204428	1—100	250	239546	075*)	1000	276641	055*)	1000
205948	071*)	1000	239789	037*)	1000	276756	1—100	100
206830	1—100	100	240042	1—100	100	278019	092*)	500
207284	097*)	1000	241522	001*)	500	278428	1—100	100
208313	1—100	100	242071	012*)	1000	279448	011*)	1000
208640	1—100	100	243212	1—100	250	279503	1—100	100
208657	1—100	250	243361	021*)	500	279624	048*)	1000
208937	037*)	500	243762	058*)	500	280557	1—100	250
209463	044*)	500	244041	084*)	500	281301	069*)	1000
209665	026*)	1000	244302	007*)	500	281746	085*)	500
210410	071*)	1000	244765	064*)	500	281976	1—100	100
210461	082*)	500	244849	082*)	500	284528	053*)	500
210855	041*)	1000	245282	044*)	1000	284580	1—100	250
211016	036*)	500	245454	1—100	100	284969	1—100	100
211549	1—100	100	246572	1—100	250	285540	029*)	500
212454	056*)	1000	246664	040*)	500	286712	1—100	250
212515	1—100	100	246824	026*)	1000	287327	036*)	500
213011	087*)	2500	246829	1—100	100	287364	074*)	2500
213064	019*)	2500	246988	1—100	250	287756	024*)	1000
213592	001*)	1000	247183	048*)	500	287776	1—100	100
213822	071*)	2500	248183	1—100	100	287817	096*)	500
213921	1—100	100	249134	011*)	1000	288216	029*)	1000
214118	030*)	500	250027	068*)	1000	288720	1—100	500
214590	086*)	1000	251633	045*)	1000	289567	050*)	5000
216147	015*)	5000	251878	093*)	2500	290837	029*)	5000
216238	054*)	10000	252373	049*)	500	291710	1—100	250
217002	093*)	500	252579	044*)	500	291873	041*)	1000
218041	053*)	500	252871	066*)	2500	293591	1—100	100
218762	1—100	250	253304	013*)	1000	293750	1—100	250
219622	020*)	2500	253379	1—100	250	294078	002*)	1000
220892	075*)	1000	254150	1—100	100	294094	1—100	250
220915	017*)	2500	255139	034*)	500	294243	021*)	2500
221000	1—100	250	255794	1—100	250	294530	069*)	500
221612	086*)	1000	256393	011*)	500	294718	047*)	500
222900	053*)	1000	257515	100*)	1000	295080	1—100	100
223166	057*)	500	257529	023*)	1000	295182	016*)	1000
223581	033*)	500	258001	1—100	100	295446	083*)	1000
223913	052*)	2500	258694	1—100	100	295588	060*)	500
224357	048*)	5000	259686	034*)	2500	295948	1—100	250
225274	1—100	250	260211	096*)	2500	296237	1—100	100
226253	1—100	250	260265	049*)	500	296660	1—100	100
226776	095*)	500	260572	1—100	100	297088	025*)	1000
227224	047*)	1000	260652	074*)	1000	298125	1—100	100
227921	087*)	500	260750	015*)	500	298248	1—100	100
228009	1—100	500	261679	077*)	1000	298342	019*)	1000
229092	1—100	100	262672	084*)	2500	298660	1—100	250
229469	1—100	100	263150	045*)	1000	298692	1—100	100
230011	085*)	2500	264020	063*)	1000	299097	1—100	100
232455	1—100	250	265211	1—100	100	299175	004*)	1000
232495	087*)	1000	265472	040*)	1000	299672	1—100	100
232505	067*)	500	266030	021*)	2500	299994	1—100	100
232704	088*)	1000	267202	1—100	100			

* Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Жадвалда эллик сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

Йигирма беш сўмлик облигацияларга ютуқларнинг ярми тўланади. Ютуқ суммасига облигация қиймати ҳам қўшилган.

Бу жадвал расмий ҳужжатдир. Ўзбекистон ССРдаги ҳамма омонат кассалари газетанинг навбатдаги сони чиққандан сўнг ютуқларни шу жадвалга мувофиқ белгиланган тартибда тўлайдилар.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси — халқ депутатлари Москва шаҳар Перовск район Совети ижроия комитети раиси — А. П. АВЕРЧЕНКОВ.

Комиссиянинг масъул секретари — Л. П. ЕСИНА.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги

ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ҚОН ҚУЙИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

бўлимлар ва лабораториялар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ахборот ва патент юритиш (жорий қилиш бўйича) бўлими **катта илмий ходим;**

патофизиология лабораторияси **катта илмий ходими;**

ничик илмий ходимлар: ташкилий-методик бўлим, цитология ва электрон микроскопия, қон ва тўқималарни консервация қилиш, бош мия трансплантацияси, 1-гематология клиникаси, қон хизмати барқарорлигини ўрганиш группаси, патофизиология.

Конкурс муддати — 1 февралгача.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Халқлар дўстлиги проспекти, 5-квартал, 42-уй.

А. Н. ОСТРОВСКИЙ НОМЛИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕАТР ВА РАССОМЛИК САНЪАТИ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудири: тиллар ва адабиётлар (профессор);

кафедра доцентлари: театршунослик, музикали театр артисти, расм (2 ўрин), живопись, вокал;

кафедра катта ўқитувчилари: театршунослик, драма театри артисти маҳорати, музикали театр артисти маҳорати, қўғирчоқ театри артисти, якка ашула, живопись (2), расм, графика ва упаковка.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Я. Колас кўчаси, 24-уй.

В. Д. ЖУРИН НОМЛИ ЎРТА ОСИЁ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ (САНИИРИ)

бўлимлар бўйича ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мудирлар: комплекс тадқиқотлаш, электрон ҳисоблаш машинкасида математик моделлаштириш секторлари;

катта илмий ходим: эксплуатация ишларини механизациялаштириш.

КОНКУРС МУДДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Я. Колас кўчаси, 24-уй.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Циркда арча» Катта Янги йил томошалари** (10.00, 12.30, 15.00, 18.00).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/I да **Жизель** (12.00), **Князь Игорь** (19.30), 7/I да **Этик нийган мушук** (12.00), **Дон Кихот** (17.00).

«СПОРТЛОТО» ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1984 ЙИЛГИ «СПОРТЛОТО»НИНГ 1-ТИРАЖИ

7 ЯНВАРДА ЎЙНАЛАДИ

Бошқармага келтирилган 54-тиражи деган белгили «СПОРТ. ЛОТО» билетлари 1984 йилнинг 7 январида ўйнайдиган 1-тиражда қатнашади.

2-тираж 14 январда ўйналади.

«ЎЗСПОРТЛОТО».

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриёти коллективи нашриётнинг ротация цехи мастери Абдуваҳоб Набиҳўжаевга синглиси

Раҳима УМАРХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Телевидение

6 ЯНВАРЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ҳужжатли фильмлар. 10.10 — Концерт. 10.50 — Мультфильмлар. 11.20 — Навқирон Россия. Бадиий фильм. 2-серия. 12.25 — Капитан Врункелнинг саргузаштлари. 12.55 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Подмосковье қишлоқларининг бугуни ва эртанги куни. 16.35 — Юлдузли бола ҳақида эртак. Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 18.45 — Концерт. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан ва турмуш. 20.20 — Навқирон Россия. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. Танаффус пайтида — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Концерт. 9.45 — Биринчи рейс. Бадиий фильм. 11.00 — Концерт. 11.50 — К. Симонов. Рус кишилари. 12.35 — Ҳужжатли фильм. 13.05 — Рус тили. 13.35 — Фигурачиларнинг Янги йил бали. 14.40 — Инглиз тили. 15.10 — Фильм-спектакль. 16.30 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Эр ва унинг хотини. Бадиий фильм. 20.10 — Дадам, ойим ва мен — туристлар оиласи. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45— Концерт. 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Футбол. ГФР — Бельгия. 22.40 — Ҳужжатли фильм. 22.55 — Футбол. СССР-I — Франция.

ТОШКЕНТ-I. 11.20 — Янгиликлар. 11.30 — Мактаб мансаралари. 12.00 — Қизил альпинистлар. Бадиий фильм. 7- ва 8-сериялар. 12.55 — Эртаклар тарқ этган дара. Бадиий фильм. 14.10 ва 18.05 — Янгиликлар. 18.15 — Янги йил саёҳати. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — КПСС Марказий Комитети декабрь (1983 й) Пленуми қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Мультфильм. 20.00 — Дунё воқеалари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбекистон ССР халқ артисти Б. Ҳамдамов куйлайди. 21.30 — Время. 22.05 — Эртага премьера. 23.10 — Ортиқча даҳмаза. Бадиий фильм. 23.40 — Янгиликлар.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Ансамбль операцияси. Бадиий фильм. 18.35 — Самарқанд сайқалига мафтунмиз. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Уфқ ортига бир назар. 20.50 — Телефильмлар. 21.30 — МОСКВА-II.

7 ЯНВАРЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Жаҳон халкларининг ижоди. 10.10 — Спортлото. 10.20 — Оила ва мактаб. 10.50 — Қадимий Кампучиянинг тикланиши. 11.20 — Навқирон Россия. Бадиий фильм. 3-серия. 12.25 — Қолиблар. 13.40 — Ҳужжатли фильм. 14.10 — Болалар учун фильм. Чапдаст капитан. Бадиий фильм. 15.15 — Дунё воқеалари. 15.30 — Чапдаст капитан. Бадиий фильм. 2-серия. 16.35 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 17.05 — Биз ҳаммамиз тинчлик тарафдоримиз. 17.35 — Ҳужжатли фильм. 18.25 — Мультфильмлар. 18.45 — Ўртоқ қўшиқ. Телеконкурс. 19.30 — Ҳайвонот оламида. 20.30 — СССР халқ артисти М. Плисецкаянинг ижодий кечаси. 21.30 — Время. 22.05 — СССР халқ артисти М. Плисецкаянинг ижодий кечаси. (давоми). 23.10 — Чанги спорти бўйича СССР чемпионати. 23.35 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Агар соғлом бўлай десанг. 9.30 — Шайба! Шайба! 9.55 — Адабий ўқиш. 10.30 — Тонгги почта. 11.00 — Инсон — замин соҳиби. 12.05 — Нима? Қаерда? Қачон? 13.05 — Болалар учун фильм. 14.10 — Ҳужжатли фильмлар. 14.50 — ЛЕНИНГРАД ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 16.30 — Саёҳат